

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ТАРИХ ФАКУЛЬТЕТИ

“Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари”

Кафедраси

IV курс кундузги бўлим битирувчиси

Баротов Ойбекнинг

“Фитрат асарларида комил инсон ғояси” мавзусидаги

Миллий ғоя, ҳуқуқ ва маънавият асослари йўналишида
бакалавр академик даражасини олиш учун ёзган

МАЛАКАВИЙ БИТИРУВ ИШИ

Илмий раҳбар:

т.ф.д.,проф С.Иноятов

БУХОРО-2017

Мавзу: Фитрат асарларида комил инсон ғояси

Режа:

Кириш.....

I – БОБ. Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижодининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.....

1. Абдурауф Фитратнинг ҳаёт йўли ва маънавий, бадий меъроси.....

2. Фитратнинг маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.....

II – БОБ. Абдурауф Фитрат ижодида комил инсон ғояси.....

1. Абдурауф Фитрат асарларида таълим-тарбия муаммоларининг қўйилиши.....

2. Ёзувчи ижодида маориф тизимини ислоҳ этиш масалаларининг қўйилиши.....

3. Абдурауф Фитрат асарларида баркамол инсонни тарбиялаш муаммоларини ёритилиши ва унинг бугунги кундаги аҳамияти.....

Хулоса.....

Фойдаланган адабиётлар.....

КИРИШ

Мавзунинг долзарблиги. Бугунги кунда глобллашув жараёни билан боғлиқ тобора кенг ёйилиб бораётган "оммавий маданият" деб ном олган маданиятнинг ёшларга таъсири, унинг ижобий томонлари билан бирга салбий томонларига ҳам алоҳида эътибор берилмоқда. "Оммавий маданият" нинг бугунги кунда инсонларнинг онги ва тафаккурини эгаллашнинг, уларнинг азалий, асрлар синовидан ўтган маънавий қадриятлар тизимидан айиришга қаратилганлиги ҳамда уни ёйишга бўлган ҳаракатлар энг хавотирли ҳолатлардан бирига айланиб бормоқда. Шу билан бирга "Оммавий маданият" инсонлар учун мутлақо ёт бўлган маънавий ва ахлоқий, тубанлик иллатлари, ҳамда шарқ халқлари тасаввурларига, тарихий-маданий анъаналарига, шарқона одоб ва ахлоқ нормаларига зид қарашлар, порнографик асарлар, сийқа санъат ва ғайриахлоқий асарларининг кириб келаётганлиги билан бугун миллий маданиятларга, миллий ўзликни англашга катта хавф солмоқда. Бу масалалар юзасидан Ўзбекистон Республикасининг биринчи президенти И.А.Каримов қуйидагиларни таъкидлайди: "Биз бугун юртимизда янги ҳаёт барпо этар эканмиз, бир масалага алоҳида эътибор беришимиз лозим. Яъни, коммунистик мафкура ва ахлоқ нормаларидан воз кечилганидан сўнг жамиятда пайдо бўлган ғоявий бўшлиқдан фойдаланиб, четдан биз учун мутлақо ёт бўлган, маънавий ва ахлоқий тубанлик иллатларини ўз ичига олган "оммавий маданият" ёпирилиб кириб келиши мумкинлиги барчамизга аён бўлиши керак.¹

Комил инсон масаласи жамият тараққиётининг илк давларидан бошлаб, инсоният олдида турган муҳим йўналишлардан бўлган. Зеро, қадимги дунё файласуфларидан тортиб, ҳозирги давр тадқиқотчиларигача умуман инсоният тарбияси, хусусан, шахс камолоти ҳақида тадқиқотлар ўтказиб, бу масалага салмоқли ҳисса қўшиб келмоқдалар. Қадимги хитой мутафаккури Конфуций, юнон файласуфлари Демокрит, Платон, Геродот,

¹ Каримов И.А. Ўзбекистониинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли. –Тошкент: Ўзбекистои, 2000. –Б. 28.

Аристотель ва бошқалар шахс камолоти жамият тараққиёти учун муҳим масала деб қараганлар. Жумладан, Аристотель нуқтаи назарига кўра жамият тараққиёти учун ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар қанчалик аҳамиятли бўлса, фуқароларнинг тарбияси ҳам ундан кам эмас¹. Марказий Осиёлик алломалар Ибн Сино, А.Р.Беруний, А.Н.Фаробий, Марғиноний, Имом Бухорий, Абу Абдурахмон Насоий, Ҳаким Термизий, Аҳмад Яссавий, Паҳлавон Маҳмуд, А.Навоий², XX аср бошларида Мунаввар Қори Абдурашидхон ўғли, М.Бехбудий, А.Фитрат, А.Авлоний, С.Айний ва бошқа маънавият ва маърифат соҳиблари ёшлар онгига маърифат, маданият, миллий урф-одат, миллийлик хусусиятларини сингдиришга ҳаракат қилганлар.

Мазкур масалани ўрганиш татқиқ этиш жуда муҳим бўлиб, у қуйидаги ҳолатлар билан белгиланади.

- Абдурауф Фитратнинг ҳаёт йўли ва маънавий, бадиий меросини тадқиқ қилиш;

- Абдурауф Фитрат маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрнини тадқиқ этиш;

- Фитрат ижодида комил инсон ғоясини ёритиш;

- Абдурауф Фитрат асарларида таълим-тарбия муаммоларининг қўйилишини ёритиш;

- Ёзувчи ижодида маориф тизимини ислоҳ этиш масалаларини тадқиқ этиш;

- Абдурауф Фитрат асарларида баркамол инсонни тарбиялаш масалаларини ёритилиши ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиш.

Юқоридаги мулоҳазалар танланган мавзунинг долзарблигини белгилайди.

¹ Аристотель. Метафизика. – М.: 1934 // <http://www.filosofreferat.com/modulis.php?name = News &c file = print & s sid = 129>.

² Қаранг: Ушбу мутафаккирларининг асарлари тўғрисидаги маълумот фойдаланилган адабиётлар рўйхатида қайд этилган.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. 1987 йилда Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилди.¹ Айнан шу йили “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи” нинг икки жилдлиги Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. О. Султонов таҳрири остида нашр этилди.²

1988 йилда Фитрат ҳаёти ва ижодига қизиқиш кучая бориб, вақтли матбуотда бир қатор мақолалар эълон қилинди.³ 1989 йилда Фитрат ижодиёти турли китоб ва матбуот саҳифаларида янада кенг ўрганилиб, тарғиб этила бошланди. Бу йилнинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, эндиликда илмий тадқиқотлар билан бир қаторда адиб асарларидан намуналар ҳам тақдим қилина бошланди.⁴

“1990 йилга келиб айтиш мумкинки, фитратшуносликда янги бир тўлқин пайдо бўлди. Фитрат ижодини махсус муаммолар бўйича тадқиқ этиш бир қадар жонланди”⁵. Ҳамидулла Болтабоев Фитрат ҳақида бир рисола⁶ ва кўплаб мақолалар эълон этди.

М. Ҳасанов «Файзулла Хўжаев» номли китобида Фитратнинг 1920 - 1923 йиллардаги сиёсий - ижтимоий фаолиятини ёритиш баробарида, Ф. Хўжаев қизининг улуғ адиб ҳақидаги хотираларини ҳам келтиради. Вилоят Хўжаева: “Китоб меҳр ва завқ билан ёзилган. Аммо сиз “Фитрат ва Файзулла Хўжаев” номи билан китоб ёзганингизда янада яхши бўларди. Отамнинг маърифий ва ижтимоий - сиёсий фаолиятларининг кучайишида шоир,

¹ Қаранг: Отаев Р. 1920-30 йиллар адабий меросини, жумладан Чўлпон ва Фитрат ижодини ўрганиш гуруҳи мажлисидан ахборот.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 13 март, 1987й.; Яна қаранг: Қайта куриш ва маданий мерос.// Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1987й. , 4 декабр.

² Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. (1-жилд). Т.: 1987 й.

³ Қаранг: Юсупов Э., Каримов Н. Объектив баҳо бериш вақти келди. //Ўзбекистон коммунисти, 1988, 12-сон Б. 70-78; Дўстқораев Б. Фитрат (Ижоди ҳақида). Мушгум, 1988, 18-сон, Б. 8-9; Орифжонов Ф. Айбсиз айбдорларнинг оқланиши.//Қишлоқ ҳақиқати, 1988 й., 17 феврал; Турдиев Ш. Танқид “душман” излаганда... Ўтмиш ҳикматлари. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1988 й., 29 июл.

⁴ Қаранг: Фитрат. Адабиёт қоидалари (парча). Нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев. // Фан ва турмуш, 1989, 5-сон, 8-10 бетлар; Фитрат. Ҳинд сайёҳи. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 й., 4. 08. (таржимон ва нашрга тайёрловчи Ҳ. Қудратуллаев) Фитрат. Беҳбудийнинг сағанасини изладим.// Фан ва турмуш, 1989, 1 сон, Б 20. Фитрат. Миррих юлдузига (шеър). Аруз ҳақида айрим қайдлар. Нашрга тайёрловчи Қосимов Б. // Саодат, 1989, 7-сон, Б. 15.

⁵ Ганиев И. Фитрат ва фитратшунослик. Т, 2005, Б. 38.

⁶ Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат (Олий ва ўрта ўқув юртлари учун қўлланма). Т.: 1992.

драматург, адабиётшунос олим - Фитратнинг роли бебаҳо бўлган. Отам ҳаммадан кўпроқ Фитратни ҳурмат қилар ва кадрлар эдилар”¹ - дейди.

Фитрат илмий меросини тадқиқ этишда олима аёлларнинг ҳам ҳиссаси катта. Гулшан Раҳимованинг “Мунозара” - уйғониш даракчиси”²; «Фитрат исёни»³, «Фитратнинг диний мавзудаги асарлари», «Фитрат - мутафаккир»⁴ каби мақолалари фикримизнинг далилидир.

1991 йилда халқимиз орзиқиб кутган мустақилликнинг эълон қилиниши билан маънавий меросимизга бўлган муносабат янада ижобий томонга ўзгарди. Натижада, Абдурауф Фитратнинг кўплаб асарлари сўзбоши ва изоҳлар билан чоп этила бошланди.

1991 йилда фитратшуносликнинг энг характерли жихати - адиб асарлари нашрининг яхши йўлга қўйилишидир. «Ҳинд сайёҳи қиссаси»⁵, «Машраб»⁶, «Шеърлар»⁷, «Жоҳилона мутаассибликка мисол»⁸, «Ўзбек классик мусикаси ҳамда унинг тарихи»⁹, «Бирлашмоқ учун»¹⁰ каби Фитрат асарларининг ўқувчиларга тақдим этилиши маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеадир.

1992 йилнинг 21 - 23 май кунлари Бухоро озиқ – овқат ва енгил саноат технологияси институтида аллома Фитратнинг адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишлаб Республика конференцияси ўтказилди. Конференцияда анжуман иштирокчиларнинг 52 та мақола ва тезислари «Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишланган илмий - амалий

¹ Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев.Т.: Ўзбекистон, 1990 й., Б. 180.

² Қаранг: Раҳимова Г. Мунозара - уйғониш даракчиси. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 й., 29. 12.

³ Раҳимова Г. Фитрат исёни. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 й. 25 октябр.

⁴ Раҳимова Г. Фитрат - мутафаккир. //Конференция материаллари. Бухоро, 1992 й.Б. 38-39.

⁵ Фитрат. Ҳинд сайёҳи қиссаси (нашрга тайёрловчи Қудратиллаев Ҳ.) // Шарқ юлдузи, 1991, Б. 7–39.

⁶ Фитрат. Машраб (нашрга тайёрловчи Дўстқораев Б.) // Ёш ленинчи, 1991, 29.06 2,3.07.

⁷ Фитрат. Шеърлар (ношир Болтабоев Ҳ.) // Шарқ юлдузи, 1991. 6-сон, 20 22-бетлар.

⁸ Фитрат. Жоҳилона мутаассибликка қарши (ношир Болтабоев Ҳ.) // Халқ сўзи, 1991, 13 декабр.

⁹ Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ҳамда унинг тарихи (Болтабоев Ҳ.) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 22.03.

¹⁰ Фитрат. Бирлашмоқ учун. “Шарқ сиёсати”дан парча (ношир Турдиев Ш.)//Совет Ўзбекистони, 1991й, 2.02.

конференция материаллари» деб номланган тўпламда чоп этилди¹. 1992 йил ҳам фитратшунослик учун анча самарали бўлиб, шу йили Фитратнинг бир неча асар, мақолалари нашр этилди², адиб асарларининг бир қадар мукаммал библиографик кўрсаткичи эълон қилинди, драматургияси ҳақида бир номзодлик диссертация ҳимоя қилинди³. Бу йилда Б. Қосимов, Э. Каримов, Н. Каримов, А. Алиев, Ш. Турдиев, Ҳ. Болтабоев, Г. Раҳимова, Ш. Ғойипова ва бошқа олимларнинг Фитрат сиймоси билан боғлиқ мақолалари турли матбуот саҳифаларида чоп этилди.⁴

Ишнинг мақсад ва вазифалари. Абдурауф Фитрат асарларида баркамол инсон масаласини тадқиқ этиш.

Қўйилган мақсадга эришиш учун битирув малакавий ишда қуйидаги масалаларни ёритиш вазифа қилиб олинди:

- Фитратнинг ҳаёт йўли ва маънавий, бадиий меросини ўрганиш;
- Фитрат маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрнини тадқиқ этиш.
- Абдурауф Фитрат асарларида таълим-тарбия муаммоларининг қўйилишини тадқиқи этиш.
- Ёзувчи ижодида маориф тизимини ислоҳ этиш масалаларининг қўйилишини ёритиш.
- Абдурауф Фитрат асарларида баркамол инсонни тарбиялаш масалаларини ёритилиши ва унинг бугунги кундаги аҳамиятини ёритиш.

¹ Қаранг: «Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумҳурият илмий - амалий конференция материаллари» Бухоро, 1992. (Жами 122-бет).

² Қаранг: Фитрат. Шарқ сиёсати. Бухоро, 1992; Фитрат Тазманай таъдиб (1914, шеър). // Навқирон Бухоро, 1992, 28-29-бетлар; Фитрат. Сарсухан Навқирон Бухоро, 1992, 6-сон, 26-27-бетлар; Фитрат. XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига бир қараш. // Навқирон Бухоро, 1992, 6-сон, 18-25-бетлар.

³ Қаранг: Ганиев И. Фитратнинг «Абулфайзхон» трагедиясини яратишдаги маҳорати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини тақдим қилиш учун ёзган автореферати. Т., 1992.

⁴ Қаранг: Эргашев Б. Абдурауф Фитратнинг 1920-23 йилларда ёзган асарларида «тақлид» муаммоси. Анжуман материаллари. Бухоро, 1992, 69-70-бетлар; Ҳасанов Б. Туркистон босқини. Т.: Нур нашриёти, 1992, 19-бет; Раҳимов Н. Аграр муносабатлар тарихчиси Навқирон Бухоро жаридаеи, 1992, 7-сон, 15-17-бетлар; Ганиев И. Ҳинд ихтилолчиларининг бадиияти (мажоз). // Анжуман материаллари. Бухоро, 1992, 70-72-бетлар; «Абулфайзхон»нинг фалсафий концепцияси. Ўша ерда, 73-74-бетлар; Ганиев И. Рамзий образларнинг фалсафий моҳияти. Биринчи Бухоро фалсафaxonлиги, 1992, 98-99-бетлар; Боқий асар. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 10 январь; Абдуллаев О. Шоирнинг муносиб фарзанди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 26 май; Йўлдошев Н. Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарида оила маданияти. // Биринчи Бухоро фалсафaxonлиги Бухоро, 1992, 32-33 б.

Ишнинг амалий аҳамияти шундан иборатки: ушбу тадқиқот иши хулосаларидан мамлакатимизда баркамол инсон тарбияси жараёнида фойдаланиш мумкин.

Битирув малакавий ишининг тузилиши. Битирув малакавий иш кириши, 2 боб, 5 та параграф, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат.

I – БОБ. Абдурауф Фитрат ҳаёти ва ижодининг ёшлар тарбиясидаги ўрни.

1. Абдурауф Фитратнинг ҳаёт йўли ва маънавий, бадий мероси

Инсоният тарихида шундай даҳолар бўладик, улар ўзларининг бор ақл - заковатлари, ҳатто ҳаётларини ҳам халқ турмушини яхшилашга, унинг эртанги кунини чароғон қилишга бағишлайдилар. Ижодининг моҳиятида миллат орзу - умидлари акс этган, қатағонлар туфайли тарихимиздан юлиб олинган маърифатпарвар зиёлилар мана шундай даҳолар сирасига кирадилар. Улар қолдирган илмий меросни ўрганиш, асарларида кўтариб чиқилган маънавий – маърифий, ижтимоий - ахлоқий муаммоларни тадқиқ этиш бугунги истиқлол шароитида долзарб масалага айланди.

Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат (1886 йилда Бухоро шаҳрида туғилган – 1938 йилда Тошкентда вафот этган) – ёзувчи, тарихчи, адабиётшунос, тилшунос, санъатшунос ва сиёсатшунос олим, давлат ва жамоат арбоби. “Фитрат” унинг адабий тахаллуси бўлиб, араб тилидан олинган сўз бўлиб, луғатларда унга турлича талқин берилган. Фитратнинг биринчи маъноси – “яратилиш”, “хилқат”, иккинчи маъноси – “табиат”, “инсоннинг табиий сифати ва хислати”, учинчи (мажозий, кўчма) маъноси “ақлу - зако”¹дир. “Фитрат” - туғма истеъдод², порламоқ деган маъноларни ҳам англатади³. Шоир гарчи талабалик йилларида ёзган айрим ғазалларида Мижмар (чўғдон, хушбўй нарсалар солиб тутатиладиган идиш) тахаллусини қўллаган бўлса ҳам, асосан, Фитрат номига бир умр содиқ қолган. Давр тазйиқи кучайиб, унинг замондошлари ўз асарларига бир неча тахаллус ва лақаблар билан имзо чекишга мажбур бўлганларида ҳам адиб ёлғиз шу тахаллусни қўллаган. Ҳатто расмий идоралардаги хизмат чоғида ва хавфсизлик қўмитасининг ҳужжатларида ҳам мана шу ном билан юритилган.

¹ Фарҳанги забони тоҷики. Жилди 2, Москва, 1969, саҳифаи 437.

² Маънавият юлдузлари. Т.: 1999 йил. 372 – 377 бетлар.

³ Мустиқиллик изоҳли илмий – оммабоп луғат. Т, 2000 йил, 221 - 222 бетлар.

У 17 ёшидан бошлаб жиддий илмий - ижодий иш билан шуғулланади. Унинг асарлари 260 босма табоқдан зиёд илмий меросни ташкил этади¹. Бу асарлар адабиётшунослик, тилшунослик, тарих, фалсафа, диншунослик, шарқшунослик, этика – эстетика, мусиқа, шахмат, мелиорация, геодезия каби билим соҳаларига бағишланган бўлиб, улар Фитратнинг қомусий тафаккур ва ақл эгаси бўлганлигидан дарак беради. Унинг асарлари моҳиятида жаидчилик ғоялари ётади. Бу асарларда халқнинг ўтмиши ва қадриятлари ҳақида қайғуриш, тутқун ва турғун миллатнинг истикболини ёритиш каби ғоялар асосий ўрин эгаллайди.

Фитрат Петроград дорилфунунининг Шарқ факултетига маърузалар ўқиб юрган кезлари, ўзбек олимларидан биринчи бўлиб, профессор унвонига сазовор бўлган (1926). У Британия энциклопедияси саҳифаларида ўзбек файласуф олими сифатида қайд этилган адибдир.²

Фитрат дастлаб Бухородаги Мир Араб мадрасасида таҳсил кўрган. У форс, араб ва рус тилини мукаммал ўрганган. Шарқ адабиёти, фалсафаси, ижтимоий-сиёсий тараққиёти ва таназзули, фанлар таснифи ҳамда ислом, тасаввуф тарихига оид манбаларни асл ҳолида мутолаа қилган. Қалби Қуръони Карим нури ва ҳадиси Шариф ҳикмати билан тўла, комил инсон бўлган.

1902 – 1903 йилларда ҳаж сафари муносабати билан Туркия, Ҳиндистон ва Арабистон мамлакатларида, тахминан 1906 – 1907 йилларда эса Россиянинг Москва, Петербург шаҳарларида бўлган. Шундан кейин Фитрат ўқишни давом эттириш ниятида Туркияга бориб, 1909 – 1913 йилларда Истамбулда яшаган. Фитрат ўша вақтда Туркияда кучайган “Ёш турклар” ҳаракати таъсирида Туркиядаги бухоролик ёшлар ёрдамида “Бухоро таълими маориф жамияти”ни тузади. Жамият Бухоро ва Туркистон маорифининг олға силжишига доир муҳим ишларни амалга оширади.

Фитрат Туркияда таҳсил олиш, маърузалар ўқиш билан бирга самарали ижод ҳам қилган. Истамбулда унинг форс тилида ёзган “Мунозара”, “Сайҳа”

¹ Фалсафа қомусий луғат. Т.: Шарқ НМАК Бош таҳририяти, 2004 йил. 428 – бет.

² Мустақиллик изоҳли илмий – оммабон луғат. Т, 2000 йил, 221 - 222 бетлар.

(“Наъра”), шеърӣй мажмуаси, 1921 йилда эса “Сайёҳи ҳинди” (“Баёноти сайёҳи ҳинди”) асарлари нашр этилган. Кейинчалик Фитратнинг миллатчи, туркпараст ва исломпараст ёзувчи сифатида қораланишига сабабчи бўлган бу асарлар XX аср бошларида Туркистондаги миллий уйғониш ҳаракатининг норасмий дастури бўлиб хизмат қилган. Айниқса, “Мунозара” ва “Сайёҳи ҳинди” асарлари ёшлар дунёқарашининг кескин ўзгариши ва уларнинг жаҳидлар сафига келиб қўшилишига сабабчи бўлди.

Фитрат ватанига қайтгач, Бухоронинг турли туманларида ўқитувчилик қилиб, жаҳидчилик ғояларини кенг тарғиб этди. Ёш бухороликлар ҳаракатининг мафкурачиси ва ғоявий раҳбарларидан бирига айланди. 1915 йилдан эса ёш бухороликлар ҳаракатининг сўл қанотига бошчилик қилди. 1917 йил феврал воқеаларидан кейин жаҳидларнинг Бухоро амирлигидаги аҳволи мураккаблашгач, Фитрат Самарқандга кўчиб бориб, “Хуррият” газетасида муҳаррир бўлиб ишлади (1917 – 1918). Айрим маълумотларга қараганда, Фитрат шу йилларда “Иттиҳоди тараққий” ташкилоти эски Бухоро бўлимининг раиси ҳам бўлган. Колесов воқеаси (1918 й. март) дан кейин эса Тошкентга кўчиб келган. 1919 – 1920 йилларда Афғонистоннинг Тошкентдаги ваколатхонасида таржимонлик қилган. “Чиғатой гурунги” маърифий - адабий уюшмасини, шунингдек, “Тонг” журналини ташкил этиб, ёш зиёлилар авлодини миллатпарварлик ва ватанпарварлик руҳида тарбиялашга киришган. “Тонг” журналининг шиори бўлган, “Мия ўзгармагунча бошқа ўзгаришлар негиз тутмас!” сўзлари Фитратнинг шу йилларда олиб борган фаолиятининг мақсад – моҳиятини тўла ифодалайди.

БХСР ташкил топиши билан Фитрат 1921 йилда маориф, 1922 йилда хорижия – ташқи ишлар нозири, халқ хўжалиги кенгаши раиси, МИҚ ва халқ нозирлари, шўроси раисининг ўринбосари ва бошқа лавозимларда хизмат қилди. У шу даврда БХСР маблағи ҳисобига 70 нафар туркистонлик истиқболли ёшларнинг Германияга бориб ўқиши, Бухорода Шарқ мусиқа мактабининг ташкил этилиши, фан ва маданият тарихига доир халқ кўлида сочилиб ётган ноёб кўлёмаларни тўплашда ташаббускор бўлди. Фитратнинг

саъй – ҳаракати билан Бухоро жумҳуриятида турк (ўзбек) тили давлат тили деб эълон қилинди; давлат театри ташкил этилиб, бу театрда ишлаш учун Тошкентдан Маннон Уйғур ва Чўлпон, вақф ишларини бошқариш учун эса М. Абдурашидхонов таклиф этилди. Аммо 1923 йилда Э. Рудзутак бошчилигида Москвадан келган комиссия Фитратни ишдан олиб, уни “Россияга чақириб олинган” деб эълон қилди ва у 1923 – 26 йилларда Москвага бориб, Шарқшунослик илмий – тадқиқот институтида ишлади. 1926 йилнинг охири – 1927 йилнинг бошларида ватанига қайтган Фитрат 1937 йилда ҳибсга олингунга қадар Самарқанддаги олий педагогика институти ва Тошкентдаги Тил ва адабиёт институтида илмий фаолият олиб борди.

Фитрат ижодини шартли равишда учга бўлиш мумкин. Агар Фитрат 1909 – 16 йилларни ташкил этган 1 – даврда жадид маърифатпарвари сифатида ижод қилган бўлса, 1917 йил Феврал инқилобидан кейин Москвага сургун қилинганига қадар бўлган 2 – даврда хуррият ва мустақиллик ғоялари билан тўйинган асарлар ёзади (1917 - 23). Совет махфий хизматининг доимий назорати остида яшаган Фитрат ижодининг 3 – даври (1923 - 1937) да асосан илмий ва педагогик фаолият билан шуғулланади.

Фитратнинг адабий мероси бой ва ранг – баранг. У ёзувчи сифатида бадиий ижоднинг барча турларида қалам тебратибгина қолмай, ўзбек адабиётининг янги жанр ва турлар билан бойиши, шеър тузилишининг ислоҳ этилиши, реализмнинг теранлашиши, давр, жамият ва халқ ҳаёти билан боғлиқ муҳим ижтимоий муаммоларининг ўзбек адабиётида бадиий талқин этилишига улкан ҳисса қўшди.

2. Фитрат маънавий меросининг ёшлар тарбиясидаги ўрни

Фитрат зуллизонайн шоир бўлиб, адабий фаолиятининг дастлабки даврида асосан форс тилида ижод қилган. Фитратнинг бизга етиб келган ўзбек тилидаги шеърлари 1917 й. ва ундан кейинги даврга оид. Маълумки, Феврал инқилобидан кейинги Туркистон халқларининг мустақилликка эришишлари учун бирдан - бир тарихий имконият туғилган. Фитрат шу даврда халқни мустамлакачилик кишанларини парчалаб, истиқлол учун курашга даъват этувчи шеърлар ёзишга киришган. Аммо, анъанавий аруз вазни, унинг назарида, бундай замонавий ғояни ифодалаш, халқни оёққа турғизиш ва сафарбар этиш кучига эга эмас эди. Шунинг учун ҳам Фитрат турк ва татар шеърятларида шаклланган, ўзбек халқ оғзаки шеърятида айрим унсурлари бўлган сочмани миллий адабиётимизга олиб кирди. Шоир “Юрт қайғуси” деб номланган бир шеър ва 4 та сочма ёзиб, уларда ҳуррият учун кураш ғоясини баралла куйлади. Фитрат мазкур сочмаларда Туркистонни ҳўрланган ва хорланган Она образида тасвирлаб, бу жабрдийда онани зулм асоратидан халос этиш учун Амир Темур сингари жаҳонгирлар руҳига мурожаат этди, халқни эса эрк ва ҳуррият учун кураш майдонига даъват этди. У шу йилларда “Миррих юлдузига”, “Шарқ”, “Шоир” сингари шеърларини яратиб, уларда Туркистонни энди “қизил” мустамлакага айлантира бошлаган большевикларга ва улар барпо этаётган тузумга нафрат туйғусини ифодалади. Фитрат бармоқ вазнида ёзилган шу шеърлари билан халқ оғзаки шеърятининг мулки бўлган бармоқни ислоҳ этиб, Чўлпон билан бирга уни ёзма адабиётга олиб кирди ва унга янги ҳаёт бағишлади. “Ўзбек ёш шоирлари” (1922) шеърӣ мажмуасининг тузувчиси ва асосий муаллифи. Афсуски, Фитрат бу шеърларидан кейин қарийб ижод қилмади.

Ўтган асрнинг 10 йилларида сахна асари сифатида намоиш этилган “Мунозара” Фитратнинг насрдаги илк асаридир. “Мунозара” ҳам, “Сайёҳи ҳинди” ҳам Фитрат публицистикасининг ёрқин намуналаридан. Фитрат кейинчалик ҳам ўзининг ижтимоӣ, ҳуқуқӣ, маънавий, ҳамда эстетик қарашларини ифодалашда публицистикадан самарали фойдаланди. Фақат 20

– йилларнинг ўрталарига келибгина, у соф насрий асарларни ярата бошлади. (“Қиёмат”, “Меърож”, “Оқ мазор”, “Зайд ва Зайнаб”, “Заҳронинг имони” ва бошқалар). “Мунозара” ва “Сайёҳи ҳинди” асрларида кўтарилган миллий колоқлик, диний фанатизм мавзуси 20 йиллар учун ҳам долзарб аҳамиятга эга эди. Фитрат бу ҳикояларида диний сюжетлардан дин таъсирига қарши курашда фойдаланди. Бу асарлар айниқса, 1930 йилда қайта ишланган “Қиёмат” ҳаёлий ҳикояси ҳозирги ўзбек адабиётида фантастиканинг туғилиши ва шаклланишида миллий манба бўлиб хизмат этди.

Фитрат 1916 йилдан бошлаб театр учун кўплаб асарлар яратди. Амолнинг нафақат 1916 – 1918 йилларда ёзган “Беғижон”, “Қон”, “Абб Муслим”, “Темур сағанаси”, “Ўғизхон” сингари пьесалари, ҳатто 1930 – йилларда ёзган “Тўлқин” опера - либреттоси (1934) ҳам бизга етиб келмаган. Маълумки, Фитратнинг 5 пардали “Беғижон” пьесасида деҳқонларнинг хон зулмига қарши кўтарган исёнлари тасвир этилган, “Темур сағанаси” пьесасида эса муаллифнинг “Юрт қайғуси” (“Темур олдинда”) сочмасидаги истиқлол учун кураш ғояси ўзининг бадиий тажассумини топган. Фитрат шу йилларда ёзган бошқа асарларида ҳам тарихий ўтмишга мурожаат этганига қарамай, большевикларнинг Туркистонда олиб борган ғайримиллий сиёсатига фаол муносабат билдириб, зулм ва зўравонликка асосланган “янги тузум”ни кескин қоралаган. Фитрат ижодининг шу даврдаги етакчи мотиви – большевизмга қарши истиқлол учун кураш “Чин севиш” (1920) ва “Ҳинд ихтилолчилари” (1923) пьесаларида, айниқса, ёрқин ифодаланган. Драматург Туркистонда совет ҳокимияти йилларида содир бўлаётган фожиали воқеаларни Англиянинг мустамлакаси бўлган Ҳиндистонга кўчириб, инглиз мустамлакачиларига қарши курашаётган ҳинд ихтилолчилари сиймосида, маълум маънода, ўз ватандошлари образини яратди. Жавоҳарлаъл Нерунинг эътироф этишича, Фитратнинг бу асари ҳинд халқининг мустамлакачиликка қарши олиб борган курашига куч ва мадад берган¹.

¹ Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Фитрат. 262 – 265 бетлар.

Фитрат Москвадалик пайтида “Абулфайзхон” ва “Шайтоннинг тангрига исёни” (1924), она юртига қайтганидан кейин эса “Арслон” ва “Шўриши Восе” (1927), “Тўлқин” пьесаларини ёзди. Бу асарлар орасида “Абулфайзхон” ўзининг шекспирона эпик кўлами билан ажралиб туради. Мазкур пьеса асосида аштархонийлар сулоласининг сўнгги вакили Абулфайзхон салтанатининг таназзули (XVIII аср) натижасида Бухорода манғит амирларининг ҳокимият тепасига келишлари билан боғлиқ тарихий воқеалар ётади. Фитратнинг олис тарихий даврга назар ташлашдан мақсади, “Подшолик қон билан суғорилган бир оғочдир. Қон оқиб турмаган ерда бу дарахтнинг қуриб қолиши аниқдир” деган “фалсафа” билан яшаган ва ўзи ҳам шу ғайриинсоний “фалсафа” нинг қурбони бўлган Абулфайзхон сингари қонхўр подшоларни тарих қаъридан олиб чиқиб, халққа кўрсатишдир. Фитрат бу асари билан большевиклар тузуми XX асрнинг Абулфайзхони – Сталин образини яратди ва унинг бепоён мамлакатни қонга ботиришини башорат этди. Шу маънода мазкур трагедия Фитрат закони билан яратилган халқни огоҳлантирувчи асардир.

“Абулфайзхон”нинг бадиий қиммати шундаки, Фитрат асарда шекспирона қабартма тип ва характерларни яратди, зулмга асосланган салтанат тожининг отадан болага ўтиб келиши натижасида пайдо бўлувчи қонли оқибатларни ҳаққоний тасвирлади. Фитрат бу асари билан ўзбек адабиётида трагедия жанрига асос солиб, мазкур жанрнинг асосий тамойилларин белгилаб берди.

Фитрат илм – фан ва маърифатнинг турли соҳаларида ҳам теран из қолдирди. У 1914 – 16 йиллардаёқ “Раҳбари нажот” (“Нажот йўли”), “Оила” ва “Мавлиди Шариф ёки Муръоти хайр – ул башар”, 1917 – 20 йилларда “Ўқув”, “Шарқ сиёсати” ва “Йиғла, ислом”, 1925 йилда эса “Мухтасар ислом тарихи” сингари асарларини эълон қилди. Фитрат бу асарларида, бир томондан, шу йилларда рўй берган сиёсий – ижтимоий масалаларга муносабатини ифодалаган бўлса, иккинчи томондан, мусулмон олами учун ўз аҳамиятини йўқотмайдиган ёки муайян тарихий даврда сақланиб қоладиган

маънавий ва маърифий кадриятларни тушунтириб берди. Фитрат бу асарларда миллатнинг нафақат сиёсий – ижтимоий, балки диний – маърифий масалаларда ҳам етарли даражада билимга эга бўлмаганини эътиборга олиб, ҳар бир мусулмоннинг билиши лозим бўлган бир қатор масалаларга ёрқинлик бағишлади. Форс тилида ёзилган “Раҳбари нажот” рисоласида тафсир, ҳадис, фикх, калом илмлари, шунингдек, лисоний, фалсафий, дунёвий илмлар тўғрисида аниқ тасаввурлар берди; авлод, бадан, фикр, ахлоқ тарбиясига оид фалсафий – этик қарашларини олға сурди. Фитратнинг “Оила” рисоласида эса оиланинг жамият ва инсон ҳаётидаги ролини оширишга, оила аъзоларнинг ҳуқуқий меъёрларини белгилашга қаратилган фикр ва мулоҳазалари янада ривожлантирилди.

Фитратнинг мактаб ўқувчиларига бағишланган “Ўқув” (1917 йил, Боку) қўлланмаси, ватан, дунё, табиёт, тиббиёт ва гигиена сингари масалалар, шунингдек, ўтмишда яшаган алломалар ҳақида тасаввур беради. Номалум сабабларга кўра ушбу қўлланманинг иккинчи қисми ёзилмай қолган.

Фитрат ўзбек тилининг грамматикасини ўрганиш ишини бошлаб берган ва шу соҳа ривожига катта ҳисса қўшган. У 1918 йилда Қ. Рамазон ва Ш. Раҳимий билан ҳамкорликда “Она тили” дарслигини яратди. 1921 йилда Тошкентда бўлиб ўтган тил ва имло курултойида Фитрат ўзбек тилининг софлигини таъминлаш ва ривожлантиришга қаратилган бир қанча тақлифларни ўртага ташлади. У 20 – йилларда ўзбек тили табиатини ўрганишда давом этиб, “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Сарф” (1925), “Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба: Наҳв” (1926) дарсликларини яратди ва бу дарсликлар 1930 йилга қадар бир неча маротаба нашр этилди. Олим ўзбек тили морфологияси ва синтаксисига бағишланган бу асарлари билан ўзбек тили грамматикасини илмий асосда ўрганиш ишига тамал тошини қўйди. Фитратнинг тилшунослик соҳасидаги катта хизматларидан яна бири унинг 20 – йилларда қадимий туркий тил, жонли халқ тили ва шеваларга таянган ҳолда, илмий – маданий муомалага кириб

келаётган янги тушунча ҳамда ҳодисаларни ифодалаш учун ўзбек тилининг луғат фондига янги сўзлар ва атамаларни кўплаб олиб кирганлигидадир.

Олим “Энг эски турк адабиёти намуналари” (1927), “Ўзбек адабиёти намуналари” (1-жилд, 1928) тазкираларини тузиб, миллий – адабий меросимизнинг энг қадимий давридан сўнгги даврларга қадар яратилган намуналарни тўплаб, муайян тизимга солди. “Қутадғу билиг” сингари ўзбек ёзма адабиётининг халқ орасида сочилиб ётган ноёб ёдгорликларини қўлга киритиш, ўрганиш ва чоп этишга интилди. Ўзбек адабиёти йирик намояндалари ижодини илк бор ўрганиб, “Бедил (Бир мажлисда)” (1923), “Навоийнинг форсий шоир эканлиги ва унинг форсий девони тўғрисида”, “Қутадғу билиг” (1925), “Аҳмад Яссавий” (1927), “Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар”, “Ҳиббат ул - ҳақойиқ”, “Ўзбек шоири Турди” (1928), “XVI асрдан сўнг ўзбек адабиётига умумий бир қараш”, “Муҳаммад Солиҳ”, “Форс шоири Умар Хайём” (1929), “Машраб”, “Фарҳоду Ширин” достони тўғрисида” (1930) каби катта илмий қимматга эга рисола ва мақолалар яратди. Фитрат бу тадқиқотлари билан ўзбек адабиётшунослик фанига пойдевор қўйди. “Шеър ва шоирлик” (1919), “Адабиёт қоидалари” (1926), “Санъатнинг маншай” (1927), “Аруз ҳақида” (1936), сингари мақола ва рисоалари билан адабиёт назарияси фанига асос солди.

Бундан ташқари, Фитрат тарихшунослик ва шарқшунослик соҳаларига оид форс тилида мақола ва рисоалар ҳам ёзди. (“Амир Олимхоннинг кечмиши”, 1930). 1921 йилда Б. Солиев ва Б.С.Сергеевлар билан биргаликда амирга қарашли нодир қўлёзмалар, вақф ҳужжатларини йиғиш, уларга тартиб ва тавсиф беришда иштирок этди. Б. С. Сергеевлар билан биргаликда В. Л. Вяткин архивида сақланган қозиларга оид ҳужжатларни ўрганиб, рус тилида “Казийские документы” китобини нашр этди (1937).

Фитрат 1921 йилда Шарқ мусиқа мактабини ташкил этиб, унинг биринчи директори бўлган. Мактабга мумтоз мусиқа билимдонлари - созанда ва хонандалар билан бирга В.А.Успенский сингари мусиқашуносларни ҳам таклиф этди. У шу вақтдан бошлаб “Шашмақом” куйларини тўплаш ва

нотага ёзиб олиш ишларига раҳбарлик қилди. Фитрат ташаббуси билан Ота Жалол ота Ғиёсдан Бухоро Шашмақоми В.Успенский томонидан илк бор нотага олинди, нашр этилди (1924). Фитрат “Шашмақом”, “Ўзбек мусиқаси тўғрисида” мақолалари ва “Ўзбек классик мусиқаси ҳам унинг тарихи” (1927) рисоласи билан XX аср ўзбек мусиқашунослик фанини бошлаб берди.

Ўзбекистон мустақилликка эришгач, 1991 йил 25 сентябрда Абдурауф Фитратга ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, реалистик адабий танқидчилик ва адабиётшунослик мактабига асос солишдаги улкан хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Туғилган шаҳри - Бухорода Фитратга ҳайкал ўрнатилиб, ёдгорлик музейи ва хиёбон барпо этилган. Республикадаги бир неча мактаб, кўча ва хўжаликлар Фитрат номи билан аталди. 1996 йилда таваллудининг 110 йиллиги мамлакат миқёсида нишонланди.

II – БОБ. Абдурауф Фитрат ижодида комил инсон ғояси.

1. Абдурауф Фитрат асарларида таълим-тарбия муаммоларининг қўйилиши

Абдурауф Фитрат илмий меросини ўрганиш ўтган асрнинг 20 йилларидан бошланган¹ дейиш мумкин. Адиб қаламига мансуб асарларнинг кўпчилиги ҳали у ҳаётлик пайтларидаёқ юксак баҳо олган, кўплаб чет тилларга таржима қилинган. Унинг замондошлари, хусусан, адабиётшунос – мунаққидлардан баъзилари, Фитрат ижоди ва фаолиятига ижобий ва холис, айримлари эса, замонасозлик қилиб, салбий баҳо берганлар. Абдурауф Абдурахимбой ўғли Фитрат 1937 йил 23 апрелида ҳибсга олинган кундан бошлаб, унинг асарларини чоп этиш у ёқда турсин, ҳатто унинг китобларини уйида сақлаган одамларнинг ҳаёти ҳам хавф остида қола бошлади. Хуллас, 1937 йилдан бошлаб Фитрат ижодига муносабат кескин равишда салбий томонга ўзгариб, то адиб оқланган 1956 йилга қадар сукут сақланди; унинг асарларини чоп этиш борасида бошланган ҳаракат 1960 йиллар ўрталарида яна тўхтаб қолиб, натижада авлодлар улкан маънавий меросдан бебаҳра қолдилар. Бу ҳолат мустақиллик шабадалари эсиб, халқимиз ўзлигини англай бошлаган, ўз ҳақ – ҳуқуқларини талаб эта бошлаган вақт – ўтган асрнинг 80 йиллари иккинчи ярмигача давом этди.

1987 йилда Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича махсус комиссия тузилди.² Бу гуруҳнинг хулосалари тез орада эълон этилиб,³ унда бу икки сиймонинг асарларини нашр этиш, уларнинг номи билан боғлиқ илмий тадқиқотларни йўлга қўйиш, матбуотда Фитрат ва Чўлпон ижодини тарғиб қилиш масалалари кўтарилди. Айнан шу йили “Ўзбек совет адабий танқиди тарихи” нинг икки жилдлиги Ўзбекистон Фанлар академиясининг мухбир аъзоси И. О. Султонов таҳрири остида нашр этилди.⁴

¹ Азизов Ш., Азизова С. Маърифатпарварлик – ижтимоий – маданий ҳодиса. Т.: Абу – матбуот консалт, 2008 й. Б. 140.

² Қаранг: Отаев Р. 1920-30 йиллар адабий меросини, жумладан Чўлпон ва Фитрат ижодини ўрганиш гуруҳи мажлисидан ахборот. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати. 13 март, 1987й.; Яна қаранг: Қайта қуриш ва маданий мерос. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1987й. , 4 декабр.

³ Қаранг: Чўлпон ва Фитрат адабий меросини ўрганиш бўйича тузилган комиссия хулосалари. // Ўзбек тили ва адабиёти. 1988 й., 2-сон.

⁴ Қаранг: Ўзбек совет адабий танқиди тарихи. (1-жилд). Т.: 1987 й.

1988 йилда Фитрат ҳаёти ва ижодига қизиқиш кучая бориб, вақтли матбуотда бир қатор мақолалар эълон қилинди.¹ Жумладан, таниқли адабиётшунос Наим Каримов “Ўзбек адабиётининг жаллодлари” деб номланган туркум мақолаларида 1920 - 30 йиллар қатағони ҳақида кўплаб муҳим фактлар, рақамлар, айрим мажлис баённомаларини келтираркан, улар орасида Фитрат ҳаётига доир қайдлар ҳам учрайди.² Шунингдек, Н. Каримов “Мавлоно Фитрат” мақоласида ҳам Фитратнинг миллий мафкурамиз тарихидаги бетакрор ўрни, серқирра салоҳияти, букилмас иродаси ва маърифатчиликдаги бекиёс фаолияти ҳақида фикр юритади.³

1989 йилда Фитрат ижодиёти турли китоб ва матбуот саҳифаларида янада кенг ўрганилиб, тарғиб этила бошланди. Бу йилнинг ўзига хос томонларидан бири шундаки, эндиликда илмий тадқиқотлар билан бир қаторда адиб асарларидан намуналар ҳам тақдим қилина бошланди.⁴ Масалан, филология фанлари номзоди Сафо Зуфаров “Абулфайзхон” трагедиясини нашрга тайёрлаб, “Шарқ юлдузи” журналида чоп эттирди.

Фитратшуносликка ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшганлардан бири Бегали Қосимов бўлиб, у ўзининг Фитратга бағишланган тадқиқотларида аллома адибнинг ижтимоий қиёфаси, бадиий ижодининг кўпгина жиҳатларини тадқиқ қилган⁵. Олим 1989 йилда “Саодат” журналининг 7-сонида “Абдурауф Фитрат – халқ фарзанди” мақоласида адибнинг бутун фаолиятига мухтасар назар солади. Олим бу мақоласида кўплаб архив ҳужжатлари асосида Фитратнинг ижтимоий - сиёсий, ташкилотчилик фаолиятини ёритади. Хуллас, 1989 йилда фитратшунослик соҳасида анча

¹ Қаранг: Юсупов Э., Каримов Н. Объектив баҳо бериш вақти келди. //Ўзбекистон коммунисти, 1988, 12-сон Б. 70-78; Дўстқораев Б. Фитрат (Ижоди ҳақида). Муштум, 1988, 18-сон, Б. 8-9; Орифжонов Ф. Айбсиз айбдорларнинг оқланиши. //Қишлоқ ҳақиқати, 1988 й., 17 феврал; Турдиев Ш. Танқид “душман” излаганда... Ўтмиш ҳикматлари. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1988 й., 29 июл.

² Қаранг: Каримов Н. Ўзбек адабиётининг жаллодлари. //Фан ва турмуш, 1991 й. 1,2,3 сонлар.

³ Қаранг: Каримов Н. Мавлоно Фитрат. //Фан ва турмуш, 1988, 7-сон. 8-9 бетлар; Каримов Н. Мавлоно Фитрат. Фидойилар тўпламида. Т.: 1990.

⁴ Қаранг: Фитрат. Адабиёт қоидалари (парча). Нашрга тайёрловчи Ш. Турдиев. // Фан ва турмуш, 1989, 5-сон, 8-10 бетлар; Фитрат. Ҳинд сайёҳи. //Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 й., 4. 08. (таржимон ва нашрга тайёрловчи Ҳ. Қудратуллаев) Фитрат. Бехбудийнинг сағанасини изладим.// Фан ва турмуш, 1989, 1 сон, Б 20. Фитрат. Миррих юлдузига (шеър). Аруз ҳақида айрим қайдлар. Нашрга тайёрловчи Қосимов Б. // Саодат, 1989, 7-сон, Б. 15.

⁵ Қосимов Б. Аллома адиб. // Фитрат Чин севиш. Т.: Ғ. Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994 йил. Б. 3– 22 . Қосимов Б. Маслакдошлар. (Бехбудий, Ажзий, Фитрат) Т.: Шарқ НМК бош таҳририяти, 1994 й

ишлар қилинган бўлса – да, Фитрат ҳаёти ва ижодини махсус муаммолар атрофида ўрганиш бир қадар оқсамокда эди.

“1990 йилга келиб айтиш мумкинки, фитратшуносликда янги бир тўлқин пайдо бўлди. Фитрат ижодини махсус муаммолар бўйича тадқиқ этиш бир қадар жонланди”¹. Бу йилдан бошлаб филология фанлари номзоди Ҳамидулла Болтабоев “Фитрат ва 20-30 йиллар адабий танқидий тафаккури тараққиёти” деб номланган докторлик тадқиқот устида жиддий иш бошлади ва уни 1996 йилда муваффақиятли ҳимоя қилди. Олим 1990 йилдан буён Фитрат ҳақида бир рисола² ва кўплаб мақолалар эълон этди. Унинг “Абдурауф Фитрат” рисоласи олий ва ўрта махсус ўқув юртлари талабалари учун қўлланма вазифасини ўтайди. Рисолада Фитратнинг ҳаёти ва фаолиятига оид қайдлар, унинг илмий ва бадиий асарлари ҳақида анча бой маълумотлар берилган бўлиб, давр ва ижодкор ўртасидаги муносабатларни ойдинлаштиришга хизмат қилади.

Адабиётшунос олим, журналист ва таржимон Мажид Ҳасанов “Ўзбекистон адабиёти ва санъати” ҳафталигининг махсус муҳбири Камол Матёкубов билан қилган суҳбатида, Туркистондаги жади́дчилик ҳаракатлари, шунингдек Фитратнинг ҳаёти ва ижоди билан боғлиқ бўлган кўплаб фактларни келтиради. Фитратнинг С. Айний, А. Ҳомидий, А. Бурҳонов, Е. Пўлатов билан муносабатлари, Туркияда Ҳамза ва Сўфизода билан кўришгани, Беҳбудий билан ёзишмалари тарихига назар солади.³ М. Ҳасанов «Тирикларни кечиринг, шаҳид бўлганлар» мақоласида ҳам Фитрат ҳақида, жади́дчилик ҳаракати ва «Ёш бухороликлар» партиясининг фаолияти, ислохотчилик ғоялари хусусида бой маълумотлар беради. Аммо муаллиф “Фитрат 1944 йилда қатл этилган” - деб хато санани кўрсатади⁴. Ҳолбуки, “Фитратнинг 1944 йилгача тирик қолган бўлиши сираям мумкин эмас. Қатағоннинг жуда катта қисми 37 йилнинг кузидан 38 йил кузигача тўғри

¹ Ганиев И. Фитрат ва фитратшунослик. Т, 2005, Б. 38.

² Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат (Олий ва ўрта ўқув юртлари учун қўлланма). Т.: 1992.

³ Қаранг: Ҳасанов М. Ватан менинг саждагоҳимдир. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати; 1990 й., 28.09.

⁴ Ҳасанов М. Тирикларни кечиринг, шаҳид бўлганлар. // Ўқитувчилар газетаси, 1990 й. 29. 08.

келган. Шунини яшириш учун мазкур даврда қатл қилинганлар махсус махфий кўрсатма билан бошқа йилларга сочиб юборилган.”¹

М. Ҳасанов «Файзулла Хўжаев» номли китобида Фитратнинг 1920 - 1923 йиллардаги сиёсий - ижтимоий фаолиятини ёритиш баробарида, Ф. Хўжаев қизининг улуғ адиб ҳақидаги хотираларини ҳам келтиради. Вилоят Хўжаева: “Китоб меҳр ва завқ билан ёзилган. Аммо сиз “Фитрат ва Файзулла Хўжаев” номи билан китоб ёзганингизда янада яхши бўларди. Отамнинг маърифий ва ижтимоий - сиёсий фаолиятларининг кучайишида шоир, драматург, адабиётшунос олим - Фитратнинг роли бебаҳо бўлган. Отам ҳаммадан кўпроқ Фитратни ҳурмат қилар ва кадрлар эдилар”² - дейди.

20-30 йиллар адабий ҳаётига оид жуда кўп архив ҳужжатлари, ноёб кўлёмаларни тўплаб матбуотда нашр эттиргани билан ҳурмат қозонган Шерали Турдиевнинг фитратшуносликда хизмати беқиёс. У Фитрат ҳаёти ва ижодининг турли муаммоларига оид ўнлаб мақолалар ёзди³. Жумладан, «Ҳинд ихтилолчилари», «Адабиёт қоидалари», «Шарқ сиёсати» асарларини матбуот саҳифаларида нашр эттирди. Адабиётшунос «Ҳинд ихтилолчилари»га ёзган кириш сўзида асарнинг яратилиш тарихи, тақдири ҳақида батафсил тўхталиб, жумладан, шундай дейди: «Фитрат Фурқат, Аҳмад Дониш ижодида мавжуд бўлган илғор анъаналарни янги ижтимоий - инқилобий ва миллий уйғониш даври тарихий шароитида янада кенгайтди ва ривожлантирди»⁴.

Фитрат илмий меросини тадқиқ этишда олима аёлларнинг ҳам ҳиссаси катта. Гулшан Раҳимованинг “Мунозара” - уйғониш даракчиси”⁵; «Фитрат исёни»⁶, «Фитратнинг диний мавзудаги асарлари», «Фитрат - мутафаккир»⁷ каби мақолалари фикримизнинг далилидир. Г. Раҳимова Фитратнинг диний

¹ Қаранг: Қосимов Б. Маслакдошлар. Беҳбудий, Ажзий, Фитрат. Т.: Шарқ НМК бош таҳр., 1994 й. Б. 155.

² Ҳасанов М. Файзулла Хўжаев. Т.: Ўзбекистон, 1990 й., Б. 180.

³ Қаранг: Турдиев Ш. Қиёмат // Тошкент окшоми, 1968 й. 9 июл; Танқид «душман» излаганда... Ўтмиш ҳужжатлари (Фитрат ва Қодирий ҳақида) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1988, 29 июл; Фитрат жаҳон кезади // Фан ва турмуш. 1991, 12-сон; Маърифатпарвар ва мураббий. // Ўзбекистон овози, 1992, 23 май;

⁴ Турдиев Ш. Ҳинд ихтилолчилари фожиаи ҳақида. // Шарқ юлдузи, 1990 й. 4-сон, Б.32.

⁵ Қаранг: Раҳимова Г. Мунозара - уйғониш даракчиси. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1989 й., 29. 12.

⁶ Раҳимова Г. Фитрат исёни. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991 й. 25 октябр.

⁷ Раҳимова Г. Фитрат - мутафаккир. // Конференция материаллари. Бухоро, 1992 й.Б. 38-39.

мавзудаги асарларини таҳлил этаркан, адибнинг динга эмас, хурофотга қарши курашгани, халқни жаҳолат ботқоғидан олиб чиқишнинг йўлларини ўз бадиий маҳорати орқали тасвирлаганини таъкидлайди ва «Шайтоннинг тангрига исёни» пьесасининг ички, фалсафий - рамзий маъноларини очиб беришга ҳаракат қилади. Г. Раҳимова пьеса реалистик асар эканлиги ва унга давр руҳи сингдирилганлигини айтиб, бу руҳни диний афсоналарнинг бадиий талқинидан излайди. Аммо, «Қиёмат»нинг талқинида муаллиф фақат ташқи аломатларга диққат қилгани боис, асарнинг асл - фалсафий маънони чуқур англамайди. Аслида, Фитрат бу асари орқали мавжуд тузум ўзининг тартибсизликлари, зўравонликлари, бошбошдоқлиги билан қиёматга яқин ҳолатда турибди, демоқчи эди. Зеро, бадиий асарнинг санъат даражасига кўтарилиши учун энг зарурий шартларидан бири маънонинг серқатламлигидир.

Р. Мустафақуловнинг 1990 йилда ҳимоя қилинган «Ўзбек адабиётида трагедия жанрининг тараққиёти» номли номзодлик тадқиқотида ҳам Фитрат драмаларига муносабат билдирилади¹. Шунингдек, таниқли театршунос М. Раҳмонов Фитрат пьесалари ҳақидаги мақоласида «Абулфайзхон» трагедиясига юқори баҳо беради ва драматург асарларининг сахнадаги ҳаётини анча кенг, батафсил, таҳлилий усулда ёритади².

1991 йилда халқимиз орзиқиб кутган мустақилликнинг эълон қилиниши билан маънавий меросимизга бўлган муносабат янада ижобий томонга ўзгарди. Натижада, Абдурауф Фитратнинг кўплаб асарлари сўзбоши ва изоҳлар билан чоп этила бошланди.

1991 йил 25 сентябрда Абдурауф Фитратга ўзбек драматургиясини ривожлантиришдаги, реалистик адабий танқидчилик ва адабиётшунослик мактабига асос солишдаги улкан хизматлари учун Алишер Навоий номидаги Республика Давлат мукофоти берилди. Бу мукофотнинг миллий истиқлолни деб бутун ижодларини, ҳаттоки ҳаётларини ҳам бағишлаган уч буюк

¹ Қаранг: Мустафақулов Р. Развитие жанра трагедии в узбекской драматургии. Дисс. канд. филол. наук. – Т., 1990.

² Раҳмонов М. Фитрат драматургияси ва унинг сахна тарихи. // Санъат, 1991, 3-сон, 17-21б.

ватанпарвар - Абдулла Қодирий, Абдулҳамид Сулаймон ўғли Чўлпон ва Абдурауф Фитратга берилишининг рамзий маъноси бор.

1991 йилда фитратшуносликнинг энг характерли жихати - адиб асарлари нашрининг яхши йўлга қўйилишидир. «Ҳинд сайёҳи қиссаси»¹, «Машраб»², «Шеърлар»³, «Жоҳилона мутаассибликка мисол»⁴, «Ўзбек классик мусикаси ҳамда унинг тарихи»⁵, «Бирлашмоқ учун»⁶ каби Фитрат асарларининг ўқувчиларга тақдим этилиши маданий ҳаётимиздаги муҳим воқеадир.

Фитратнинг «Ҳинд сайёҳи қиссаси» Ҳасан Қудратиллаев таржимасида чоп этилиши муносабати билан академик Б. А. Назаровнинг «Фитрат маърифатининг гултожи» мақоласи чоп этилди. У Фитратнинг Қуръони Карим суралари, Муҳаммад (с.а.в.) ҳадисларидан фойдаланиш услубини унинг ҳаммаслаки ва замондоши Бехбудий услуби билан қиёслайди.

Филология фанлари доктори Қудрат Жўраев «Маърифатли исёнкор» мақоласида Фитратнинг «Чин севиш», «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Восеъ қўзғолони», «Шайтоннинг тангрига исёни» ҳақида сўзлаб, уларда исёнкорлик руҳи, эрк ва озодлик ғоялари ёрқин тажассум топганлигини таъкидлайди⁷. Адабиётшунос Фитратнинг «Арслон» пьесасини таҳлил этаркан, аввало, у яшаган даврдаги сахна тарихига назар солади ва ғоявий йўналиши, бадий хусусиятлари ҳақида тўхталади⁸. Айтиш мумкинки, 1991 йилда Фитрат ижоди билан боғлиқ равишда ёзилган мақолалар⁹ республика илмий жамоатчилиқ фикрининг жонланишидан хайрли дарак эди.

¹ Фитрат. Ҳинд сайёҳи қиссаси (нашрга тайёрловчи Қудратиллаев Ҳ.) // Шарқ юлдузи, 1991, Б. 7–39.

² Фитрат. Машраб (нашрга тайёрловчи Дўстқораев Б.) // Ёш ленинчи, 1991, 29.06 2,3.07.

³ Фитрат. Шеърлар (ношир Болтабоев Ҳ.) // Шарқ юлдузи, 1991. 6-сон, 20 22-бетлар.

⁴ Фитрат. Жоҳилона мутаассибликка қарши (ношир Болтабоев Ҳ.) // Халқ сўзи, 1991, 13 декабр.

⁵ Фитрат. Ўзбек классик мусикаси ҳамда унинг тарихи (Болтабоев Ҳ.) // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 22.03.

⁶ Фитрат. Бирлашмоқ учун. “Шарқ сиёсати”дан парча (ношир Турдиев Ш.)//Совет Ўзбекистони, 1991й, 2.02.

⁷ Жўраев Қ. Маърифатли исёнкор. // Анжуман материаллари. Бухоро, 1992, 21-22-бетлар.

⁸ Жўраев Қ. Арслон пьесасининг ғоявий-бадий хусусиятлари.// Ўзбек тили ва адабиёти, 1991, 1-сон, Б.14-18

⁹ Қаранг: Бозоров А. Фитрат араб алифбоси тарихи хусусида. // Ўқитувчилар газетаси, 1991, 4 апрель; Аҳмедов С. Фитрат ва Яссавий. // Санъат, 1991, 8-сон, 19-20-бетлар. Сафаров О., Аҳмад Т., Муродов Ғ. Фидойи. // Совет Ўзбекистони, 1991, 6 июл. Жўраев Л. Барҳаётлик // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1991, 1 феврал.

1992 йилнинг 21 - 23 май кунлари Бухоро озиқ – овқат ва енгил саноат технологияси институтида аллома Фитратнинг адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишлаб Республика конференцияси ўтказилди. Қадршунослик нуқтаи назаридан катта аҳамиятга эга бўлган ушбу анжуман иштирокчиларнинг 52 та мақола ва тезислари **«Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишланган илмий - амалий конференция материаллари»** деб номланган тўпламда чоп этилди¹. Анжуман катнашчиларидан бири, тарихчи олим Нарзулла Йўлдошев ўз мақоласида Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарининг ёзилиш, нашр этилиш тарихи ва қисмати ҳақида сўзлаб, ундаги миллатпарварлик ғояларига диққатни қаратади². Таъкидлаш жоизки, Фитратнинг мазкур асари (форс тилида, 224 бет) марҳум олимнинг шахсий кутубхонасида сақланиб келинар эди. 1996 йилда Нарзулла Йўлдошевнинг “Фитратнинг “Раҳбари нажот” асарида мухтасар фасллар” номли (Олий ўқув юртлари талабалари ва мактаб ўқитувчилари ва тижорат аҳли учун) услубий қўлланмаси чоп этилди.

1992 йил ҳам фитратшунослик учун анча самарали бўлиб, шу йили Фитратнинг бир неча асар, мақолалари нашр этилди³, адиб асарларининг бир қадар мукаммал библиографик кўрсаткичи эълон қилинди, драматургияси ҳақида бир номзодлик диссертация ҳимоя қилинди⁴. Бу йилда Б. Қосимов, Э. Каримов, Н. Каримов, А. Алиев, Ш. Турдиев, Ҳ. Болтабоев, Г. Раҳимова, Ш. Гойипова ва бошқа олимларнинг Фитрат сиймоси билан боғлиқ мақолалари турли матбуот саҳифаларида чоп этилди.⁵

¹ Қаранг: «Абдурауф Фитрат миллий феномени, адабий, илмий - назарий мероси, ижтимоий - сиёсий фаолиятига бағишланган биринчи жумҳурият илмий - амалий конференция материаллари» Бухоро, 1992. (Жами 122-бет).

² Йўлдошев Н. А. Фитрат ватанпарварлигининг Раҳбари нажот асаридаги инъикоси. // Анжуман материаллари. Бухоро, 1992, 66-68 бетлар.

³ Қаранг: Фитрат. Шарқ сиёсати. Бухоро, 1992; Фитрат Тазманаи таъдиб (1914, шеър).// Навқирон Бухоро, 1992, 28-29-бетлар; Фитрат. Сарсухан Навқирон Бухоро, 1992, 6-сон, 26-27-бетлар; Фитрат. XVI асрдан сўнгги ўзбек адабиётига бир қараш. // Навқирон Бухоро, 1992, 6-сон, 18-25-бетлар.

⁴ Қаранг: Ганиев И. Фитратнинг “Абулфайзхон” трагедиясини яратишдаги маҳорати. Филология фанлари номзоди илмий даражасини тақдим қилиш учун ёзган автореферати. Т., 1992.

⁵ Қаранг: Эргашев Б. Абдурауф Фитратнинг 1920-23 йилларда ёзган асарларида «тақлид» муаммоси. Анжуман материаллари. Бухоро, 1992, 69-70-бетлар; Ҳасанов Б. Туркистон босқини. Т.: Нур нашриёти, 1992, 19-бет; Раҳимов Н. Аграр муносабатлар тарихчиси Навқирон Бухоро жаридаеи, 1992, 7-сон, 15-17-

1993 йилдан бошлаб Фитрат ҳаёти, ижодиётини муаммоли ўрганиш бўйича фитратшуносликда тармоқланиш содир бўлганлиги бу соҳадаги олимлар сафининг кенгайганлигидан далолат беради.

Баҳодир Эргашев фалсафа фанлари доктори илмий даражасини олиш учун ёзган ишида, асосан, Фитратнинг ҳаёти ва ижодини жадиदчилик таълимоти ва ҳаракатининг юзага келиш, тараққий этиши жараёни билан боғлиқ ҳолда текширади. «Ёш бухороликлар» партияси ғояларининг дунёга келиши ва ривожланишида Фитратнинг хизмати катта бўлганини илмий асослайди. Фитратнинг илмлар таснифи, Аллоҳ ва борлиққа муносабатини «Мунозара», «Ҳинд сайёҳининг қиссаси», «Раҳбари нажот», «Мухтасар ислом тарихи» каби асарларининг таҳлили орқали талқин этади¹.

Шу ўринда, Баҳодир Эргашевнинг фитратшуносликдаги хизматларини таъкидлаб ўтмоқ жоиз. У 1991 йил 15 декабрда «Навқирон Бухоро» - ижтимоий текширишлар маркази»ни ташкил этиб, Бухоронинг тарихи, фалсафа тарихи, ижтимоий ҳаёти, ахлоқий таълимоти, дини, адабиёт, санъат, этнографиясини ўрганиб тарғиб этувчи, илмий ва адабий-бадiiй журнал чоп этишни йўлга қўйди. «Навқирон Бухоро»нинг 1992 йилдаги махсус 6-сон Фитратга бағишланди ва журналнинг бошқа номерларида ҳам адибнинг серқирра ижоди ҳақида мақолалар², асарларидан парчалар³ мунтазам бериб борилди.

Фитратнинг кўпгина асарларини нашрга тайёрлаган⁴, у ҳақда кўплаб мақола ёзган олимлардан бири Бойбўта Дўсқораевдир. Олимнинг Фитрат ҳақидаги ишларида адибнинг динга муносабати масаласи асосий ўрин

бетлар; Ғаниев И. Ҳинд ихтилолчиларининг бадиияти (мажоз). // Анжуман материаллари. Бухоро, 1992, 70-72-бетлар; «Абулфайзхон»нинг фалсафий концепцияси. Ўша ерда, 73-74-бетлар; Ғаниев И. Рамзий образларнинг фалсафий моҳияти. Биринчи Бухоро фалсафахонлиги, 1992, 98-99-бетлар; Бокий асар. // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 10 январь; Абдуллаев О. Шоирнинг муносиб фарзанди // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1992, 26 май; Йўлдошев Н. Фитратнинг «Раҳбари нажот» асарида оила маданияти. // Биринчи Бухоро фалсафахонлиги Бухоро, 1992, 32-33 б.

¹ Қаранг: Эргашев Б. Из истории становления и развития общественно - политических идей джадидизма. Идеология младобухарцев. Дисс. на соиск.уч.степ. доктора филос. наук Т. 1993, общ. стр. 316; яна қаранг: Возвращение имя поэта. Коммунист Таджикистана. 1990. №10, 100-102 стр.

² Қаранг: Навқирон Бухоро, 1992 й, 2 - 6 сонлар.

³ Қаранг: Фитрат. Бир-икки сўз (Парча). // Навқирон Бухоро, 1992, 2-сон, 4-7 бетлар.

⁴ Қаранг: Фитрат. Аҳмад Яссавий; Яссавий мактаби шоирлари тўғрисида текширишлар; Насавий ким эди? китобида. Т.: Мерос, 1994, 18-38-бетлар. (Нашрга тайёрловчи ва сўзбоши муаллифи Дўстқораев Б.)

тутади. «Фитратнинг диний мавзудаги асарлари» мақоласида Б. Дўскораев, адиб яшаган даврдаги диний эътиқодлар ва ижтимоий тузум ҳақида батафсил тўхталаркан, «Қиёмат», «Оқ мазор», «Қийшиқ эшон», «Рўзалар», «Меърож» асарларини, «исломнинг туб асосларини, диний таълимни ислоҳ этишга қаратилган» деб талқин этади¹. «Қиёмат» ни инглиз философи - математиги Бертран Расселнинг «Илоҳиёт ходимининг даҳшати» асари билан қиёслади². Б. Дўскораев Фитратнинг диний мавзудаги асарларининг кўпроқ ғоявий сюжет йўналиши ва бу асарларнинг ўз давридаги мавқеига кўпроқ диққат қилган бўлса, М. Бақоев ўз мақоласида Фитрат асарларига кўпроқ атеистик либос кийдиришга уринади³.

1993 йилда профессор Собир Мирвалиев «Ўзбек адиблари» китобида Фитратнинг бутун сиймоси ҳақида маълумот берувчи мақола ёзган⁴. Шу йилда Ўзбекистон халқ шоираси Ойдин Ҳожиёва Гулчехра Сулаймонийнинг Тожикистондаги «Адабиёт ва санъат» газетасида (28. 12. 1989) босилган Фитрат ҳақидаги хотираларини ўзбек тилига таржима қилди⁵. «Гулнинг боғбони ким?» деб номланган ушбу хотирада Г. Сулаймоний Фитратнинг дўсти Отахон Пайрав Сулаймонийнинг (1899-1933) «Кетди ёнимдин ёри нозанин» деб бошланувчи шеърининг яратилиш тарихи, адибнинг энг оғир — ёр жудолиги кунларидаги изтироби ва бу мисраларни ёзувчи - таржимон Раҳим Ҳошим оққа кўчириб олганлиги ҳақида қизиқарли маълумотлар беради. «Отамнинг бир тўпламида, - деб ёзади Гулчехра Сулаймоний, - бир хил вазни икки шеър муҳаррирининг эҳтиёткорлигими, ё хатоси боисми, («Гулнинг боғбони») бир асар тарзида чоп этилган. Аён бўлишича, бу шеърнинг бири Фитрат қаламига мансуб экан»⁶. О. Ҳожиёва Фитратнинг

¹ Қаранг: Дўскораев Б. Фитратнинг диний мавзудаги асарлари. Миллий уйғониш тўпламида Ўзбек филологияси масалалари. Т.: Университет, 1993, 55-64-бетлар

² Қаранг: Ўша ерда, 58-59-бетлар.

³ Қаранг: Бақоев М. Фитрат ижодида атеистик мавзу Адабиёт ва замон (жамоа тўплами). Т.: Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

⁴ Қаранг: Мирвалиев С. Ўзбек адиблари (ихчам адабий портретлар). Т.: Фан, 1993, 18-21 бетлар.

⁵ Қаранг: Сулаймоний Г. Гулнинг боғбони ким? // Ўзбекистон адабиёти ва санъати, 1993, 8 январь.

⁶ Ўша ерда.

мазкур шеърини форсийдан ўзбекчага таржима қилган. Шеър «Кетди ёнимдин ёри нозанин, тушди қаҳридан манглайга ажин» деб бошланади¹.

Қудрат Жўраев «20-йиллар ўзбек драматургияси» номли докторлик диссертациясида Фитрат асарлари ҳақида ҳам фикр юритади. «Темур сағанаси», «Абулфайзхон», «Чин севиш», “Ҳинд ихтилолчилари” ни кўпроқ ғоявийлик, давр ва қаҳрамон нуқтаи назаридан таҳлил этади².

“Сўнгги йилларда Фитрат ҳаёти, ижоди, турли жанрдаги асарларини умумий тарзда ўрганишдан, аста-секин муайян муаммолар бўйича тадқиқ қилишга ўтилди, - деб ёзади фитратшунос олим И. Ғаниев. Аммо адиб ҳақида ёзилган барча ишларни ҳам муҳим аҳамиятга эга, деб айта олмаймиз.”³

Мустақиллик эълон қилинганидан кейин, аниқроғи 2000 – 2006 йиллар оралиғида Абдурауф Фитратнинг тўрт жилдлик асарлари тўплами⁴ нинг нашр қилинганлиги Фитрат илмий меросини илмий тадқиқ қилувчилар учун айни муддао бўлди. Уларга асосан адибнинг шеърлари, насрий асарлари, драмалари, илмий тадқиқотлари ва публицистик мақолалари киритилган.

Хуллас, Фитратни халққа қайта «танитиш» асосан 80-йилларнинг иккинчи ярмидан бошланиб, у ҳақдаги махсус тадқиқотлар эса, мустақиллик меваларидир. Йирик илмий тадқиқотлар орасида Ҳамидулла Болтабоевнинг «XX аср ўзбек адабиётшунослиги ва Фитратнинг илмий мероси» мавзусидаги номзодлик, яна шу олимнинг “Фитрат ва 20-30 йиллар адабий танқидий тафаккури тараққиёти” деб номланган докторлик, Илҳом Ғаниевнинг «Фитрат драмалари поэтикаси» каби докторлик диссертациялари алоҳида ўрин тутди. Фитратнинг сиёсий – ҳуқуқий қарашлари ҳам жиддий илмий тадқиқотга асос бўлди. Бу йўналишда юридик фанлар номзоди Мавлуда Эргашеванинг номзодлик диссертацияси алоҳида ўрин тутди.

¹ Қаранг: Фитрат. Шеърлар. Форсийдан Ойдин Ҳожиева таржимаси // ЎзАС, 1993, 8 январь

² Қаранг: Жўраев Қ. 20-йиллар ўзбек драматургияси. Филология фанлар доктори илмий даражасини олиш учун ёзилган диссертация. Тошкент, 1995.

³ Қаранг: Ғаниев И. Фитрат ва фитратшунослик. Т., 2005, 68 бет.

⁴ Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, **I жилд.** (Шеърлар, насрий асарлар, драмалар) Т.: Маънавият, 2000 йил; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, **II жилд.** (Илмий асарлар) Т.: Маънавият, 2000 йил; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, **III жилд.** (Драмалар, публицистик мақолалар) Т.: Маънавият, 2003 йил; Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, **IV жилд.** (Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар) Т.: Маънавият, 2006 йил.

Фитратнинг илмий - ижодий меросининг файласуфлар томонидан ўрганилганлик даражасига келсак, 1996 йилда Шахноза Ғойибова “Абдурауф Фитратнинг ижтимоий – фалсафий қарашлари” (Илмий раҳбар: ф.ф.д. Саъдулла Йўлдошев); Р. Рахимшикова “Фитрат эстетикаси” мавзусида (Илмий раҳбар: ф.ф.д. Эркин Умаров) номзодлик диссертацияларини ҳимоя қилганликларини айтиб ўтиш жоиз. Бугунги кунда ёш тадқиқотчи Камол Саидазимов (Илмий раҳбар: проф. Ҳ. Алиқулов) “Фитратнинг гуманистик қарашлари” мавзусида илмий изланишлар олиб бормоқда. Аммо, Фитрат мероси жуда бой ва жуда кенг бўлиб, ҳали Фитратнинг борлиқ, ҳаёт, илм – фан, фанлар таснифи, фалсафа фанига оид изланишлари, унинг ижтимоий – ахлоқий қарашлари етарлича тадқиқ этилмаган. Шу билан биргаликда тараққиёт, инсон маънавияти, маърифатли бўлиш масалалари қисман ёритилган бўлиб, булар ҳам ўз тадқиқотчиларини кутиб турибди.

Хуллас, бугунги кунда Фитратни ҳар томонлама, яхлит ҳолда ўрганиш, хусусан, унинг меросини илмий - фалсафий жиҳатдан тадқиқ этиш, унинг маданиятимиз тарихидаги хизматларини белгилаш масаласи кун тартибидан мустаҳкам ўрин олгандир.

2. Ёзувчи ижодида маориф тизимини ислоҳ этиш масалаларининг қўйилиши

Фитратнинг нисбатан тўла асарлар мажмуаси биринчи марта амалга оширилаётгани буюк адиб таваллудининг 110 йиллик санаси билан бевосита боғлиқ. Ҳар бир жилд адибнинг ўша асар билан боғлиқ даврини акс эттирувчи фотосурат, ҳужжат ва архив материаллари билан тўлдирилган. Асосий асарларининг илк титул varaқлари, кулёзма нусхалар ва илк манба билан боғлиқ маъхазлар ҳам ҳар бир жилдга илова этилиши назарда тутилган.

Фитрат асарларининг кўп жилдли мажмуаси ҳар бир жилди мундарижаси қуйидаги соҳалар бўйича тартиблаштирилган:

I жилд. Бадий асарлар (шеърят, наср ва драматургия).

II жилд. Илмий-маърифий рисоалар, публицистика, тасаввуф адабиёти билан боғлиқ бўлган илмий тадқиқотлар.

III жилд. Тилшунослик ва унинг соҳалари.

IV жилд. I китоб: Адабиёт назарияси, адабий танқид.

II китоб. Адабиёт тарихи.

V жилд. Дарслик, мажмуа ва баёзлар.

VI жилд. Тарих, санъатга доир асарлар, таржима ва хатлардан намуналар.

Тарих ва фалсафа, тасаввуф ва илоҳиёт, мусиқа ва шахмат назарияси каби илмлар ва маданий жабҳаларда Фитрат қатор асарлар яратган. 1929 йилда Фитрат барча асарларини сарҳисоб қилиб, шундай ёзади: “Менинг кўлимга қалам тутиб, асар ёзганимга йигирма йил тўлди. Бу 20 йил орасида ўзбекча, тожикча юз ўн печат листлик асар ёздим (мақолалар ҳисоб эмас)”. Фитратнинг бундан кейинги саккиз йиллик ижодий фаолияти давомида ёзган асарларини бунга қўшсак, унинг бадий ва илмий мероси ўзбек илм - фани ва адабиёти тараққиётида салмоқли ўрин тутишига ишонч ҳосил қиламиз. Бу Фитрат томонидан ёзилган, давлат нашриётларида чоп этилган асарлар, холос. Қўлёзма ҳолида мавжуд бўлиб, 30 йилларда нашриётга етиб келмаган, «халқ душмани»нинг асарларини сақлашдан қўркиб, қариндошлар

томонидан ёқиб юборилган, 1956 йили Фитрат ижодини қайта тиклаш бўйича тузилган ҳайъат томонидан ҳужжатгоҳлардан олиниб, қайтарилмай айрим «шахсий архив»ларни бойитиб турганлари қанча?!..

Москвадаги Лазеревлар номидаги Шарқ тиллари институтида ва Санкт - Петербург академиясида ишлаб, профессор илмий унвонига сазовор бўлган, Самарқанд педагогика академиясида кафедрада мудирлик қилган, Тил ва адабиёт институтида ёшларнинг илмий фаолиятига мураббийлик этган устоз қаламига мансуб ишларнинг она тили таълими билан боғлиқ жиҳатлари: ҳам диққатга сазовордир. Дарҳақиқат, Фитрат адабиётшунослик ва тилшуносликка доир теран ҳулосаларга бой илмий асарлар билан, бирга, бир неча дарсликлар ҳам яратган бўлиб, улардаги истилоҳларнинг анчаси, буларга берилган изоҳлар бугунда ҳам эътиборга молик.

Ҳар қайсиси беш мартадан чоп этилган дарсликлардан келтирилган кўчирмаларнинг ўзиёқ муаллифнинг тил ҳодисаларини ниҳоятда моҳирлик билан изоҳлаганини намоён этади. Шунга қарамай, илм одобини қалбига жо қилган ва унга амал этган Фитрат мазкур китобларини "Ўзбек тили қоидалари тўғрисида бир тажриба" деб атайдди. Фитрат тилшунос олим сифатида ўзбек тилининг қоидалари тўғрисида "Сарф", "Наҳв" асарларини ёзди. "Сарф"нинг "Бир-икки сўз"ида буни таъкидлаб, "У бир сабоқ битиги эмас, мутолаа китобидир. Тилимиз тўғрисида тугал бир нарсас эмас, бошланғичдир; таълиф (ижод қилинган, яратилган) эмас, тажрибадир", деса; "Наҳв"нинг "Ўқуғучиларга"сида "Мен бу тажрибамни ёзганда ҳам Тошкент тил муаллимчилиги билан машҳур бўлган ўртоқларим билан англашмоққа, келишмакка тиришдим" дейди. Бу камтарона изоҳлар дарслик - қўлланмалар ёзадиган, тил ўқитиш усулиятидан тадқиқот олиб борадиган ҳамкасбларга ибрат-сабоқ бўлиб қолаверади.

1918 йили Тошкентда Фитрат туркистонлик ёзувчи ва шоирларни тўплаб «Чигатой гурунги» деб номланган адабий ташкилот тузди. «Чигатой гурунги» инқилобий миллий-буржуа ташкилоти сифатида совет ҳукумати томонидан 1920 йил бошларида қаттиқ танқидга учради. Гурунг фаолиятидан

инқилобчи авлод етишиб чикди. Уларнинг асосий мақсадларидан бири бу араб ёзувига асосланган турк ёзувининг замонавий системасини танқид қилиш ва Туркий адабиётнинг халқ орасида ўсиб боришига ҳисса қўшиш эди.

Фитратнинг ўзи бу гурунг фаолияти ҳақида шундай маълумот беради: «Турк тилларини, турк адабиётини бирлаштириш шиори остида иш кўрилди. Мактабларда усмонли тили, усмонли адабиёти она тили дарслари ўрнида қабул қилинди. Мана шу ҳаракатга қарши «Чиғатой гурунги» ташкил қилинди». Фитрат маданиятимиз тараққиётининг бир овоздан тан олинган энг юксак чўққиси Навоий даврини кўп жиҳатдан ибрат қилиб олди. «Жамият»ини ҳам ҳозирги ўзбек халқининг XV асрдаги номи билан атади.

Жамият фаолиятида тил масалалари алоҳида ўрин тутди. «Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз бир тили қайси тилдир, биласизми?»—савол қўйган эди Фитрат «Тилимиз» мақоласида, ва — «Туркча!» деб жавоб берган ҳамда ўз фикрини атрофлича исбот қилиб кўрсатган эди. Шокиржон Раҳимий ва Қаюм Рамазон билан ҳаммуаллифликда 1918 йилда «Она тили (дарслик)» китобини нашр эттирди. 1919 йилда «Битим йўллари» деган ўқув қўлланмасини чоп эттирди. «Битим йўллари» имло, тўғрироғи, чўзғилар — унлилар имлоси ҳақида эди. «Чиғатой гурунги» қошида махсус имло тўдаси иш олиб борди. Жамият шу йили тил — имло масалаларига бағишланган конференция уюштирди. Унда Фитратнинг ўзи маъруза қилди. Тилни миллатнинг шаъни-шарафи, ор-номуси деб билди. Уни кўз қорачиғидай сақлашга, бойитиш, тараққий қилдиришга диққатни қаратди. Айни пайтда она тилини чет сўзлар ҳисобига эмас, аксинча, кўпроқ ўз имкониятлари ҳисобига бойитиш ва тараққий қилдиришни илгари сурди. Шуингдек, туркий тиллар учун сингармонизм ҳодисаси хос эканлигини айтди. Шарқ адабиётининг ўзгача тараққиёти ҳақида фикр юритди. «Чиғатой»чилар адабий тил, унинг назарий-амалий масалалари билан шуғулландилар. Ўтмишга, хусусан Чиғатой адабиётига катта ихлос билан қараган ҳолда, халқ тилига, халқона ифодага, миллий заминга алоҳида эътибор берилди. Масалан, шеърдаги ҳижо — бармоқнинг асли эски туркий вазн эканлигини илмий асослаб, амалий

намойиш этдилар. «Бармоқ вазнида шеърни бошлаб Чўлпон ёздими, мен ёзимми — эсимда йўқ, фақат шуниси аниқки, бармоқ вазнини назарий жиҳатдан ёқлаб чиққан биринчи ўзбек миллатчиси мен эдим», — деб ёзади Фитрат 1936 йилда.

Фитратнинг 130 дан ортиқ илмий, адабий, публицистик асарлари ботинига жиддий эътибор қилсак, улар ўта нозик дид билан сараланган ва миллат тараққиёти учун муҳим аҳамият касб этади. "Қутадғу билиг", "Аҳмад Яссавий", "Чигатой адабиёти", "Ҳиббатул ҳақойик", "Ўзбек шоири Турди", "Машраб", "Форс шоири Умар Хайём" - булар оддий илмий мақола эмас, фундаментал тадқиқот. Хар бир кичик тадқиқот учун Фитрат юзлаб манбаларни ўқиган, кўрган, қиёслаган, шарҳлаган, таржима қилган. Муболағасиз айтиш мумкинки, бир илмий текшириш институти қилиши мумкин бўлган заҳматни бир шахс бажарган.

Қомусий билим соҳиби, маърифатпарвар аллома Абдурауф Фитрат турли фан соҳалари бўйича баракали ижод қилгани, кўп қиррали истеъдод эгаси бўлгани боис, фикҳ-мусулмон ҳуқуқи соҳасини ҳам ўз эътиборидан четда қолдирмади.

Таъкидлаш жоизки, жуда кўп Шарқ мутафаккирлари илмий меросида Қуръони карим асосий ўринни эгаллаганилиги исбот талаб қилмайдиган ҳақиқат бўлганидек, ушбу қоида бевосита Абдурауф Фитратга ҳам дахлдордир.

Маълумки, ислом ҳуқуқшунослигида муқаддас Қуръон ҳамда Муҳаммад пайғамбар ҳадислари асосий манба бўлиб ҳисобланган. Шунинг учун бу манбалардан Абдурауф Фитрат ўз асарларида кенг ва ўринли фойдаланади. Айниқса, унинг бир қатор асарларида, жумладан "Ҳинд сайёҳи қиссаси" асарида ифодаланган миллик демократик қонунчилик тўғрисидаги ҳуқуқий қарашлари алоҳида эътиборга сазовордир.

Санъат, унинг эстетик талқини жаид - маърифатпарварлар эътиборида бўлмаслиги мумкин эмас эди. Эстетика илмида одатда санъатнинг уч асосий вазифаси фарқланади: билиш, юқорида тилга олиб, ўтилган эстетик завқ

бериш ва тарбиялаш. Буларни умумлаштириб санъат завқ беради, тарбиялаган ҳолда билишга кўмаклашади ва билган ҳолда тарбиялайди, дейиш мумкин.

Фитрат эстетикаси, унда санъат фалсафаси мазмунининг чуқурлиги ва камрови кенглиги, айниқса, касбдошлари мероси билан қиёс қилганда кўзга яққол ташланади. Абдурахмон Саъдийнинг “Гўзал санъат дунёсида” рисоласида “санъат асари юракларда бир ажиб тўлқин, бир ажиб лаззат, таълим бир таъсир туғдирса, мияда ҳам кўзғалиш ясаसा, бу асар ҳақиқий санъат асари бўлуб саналмоққа тамом ҳақли бўладир”, деб кўрсатади¹. Фитрат эса бу фикрларга умуман қўшилган ҳолда янада илгари кетади. Унингча, санъатни фақатгина “ўзни овутмоқ” ёки “руҳан ажиб бир лаззат кўзғатувчи” восита деб ҳисоблаш етарли деб эмас, эстетик завқ (“таълим бир таъсир”) ва мияда кўзғалмас ясаш, тегишли тарзда кишиларнинг воқеликни билиши ва санъат асарларидаги ижобий қаҳрамонларга монанд ижобий жиҳатларни ўзида қарор топтиришга туртки олиши лозим.

Фитрат фаолиятида, аниқроғи, унинг ижодида санъат – маърифатчилик воситаси сифатида қаралади. Бундан келиб чиқиб, маънавият бу тарзининг мақсадга йўналтирилган таъсирида кишилар руҳияти ва хатти-ҳаракатида зарур ўзгаришлар ясаши таъкидланади. Булар инсоннинг гўзаллик жиҳатдан ҳам комиллиги шартларидандир. Комил инсон эса “икки жаҳон”, яъни “ҳам дунё саодатини, ҳам охират саодатини талаб этувчидир”¹. Гўзаллик ёрдамида воқеликни ўзлаштириш – бу “икки дунё саодатига бошловчи ақлдир”ки, унинг фитрий ва касбий (орттирилган) хиллари таркибида комиллик шarti сифатида эстетика борлиги ўз-ўзидан равшандир.

Фитрат асарларининг барча ўринларида “эстетика” атамаси тилга олиниб гапирилмаса-да, конкрет жиҳатларда, масалан, Бухоро турмуши шароитида маҳаллий бойларнинг кийинишлари, кўринишлари, умумий қиёфалари ва ҳоказолар тўғрисида гапириб, эстетика масалаларига анча тўхталади.

¹ Саъдий А. Гўзал санъат дунёсида // Инқилоб, 1922. 2-сон.

¹ Ўша жойда. 25-бет.

Жумладан, кийимларнинг замонавий эстетика талабларига жавоб бермаслиги, гўзаллик қонунларига кўра тайёрланмаганлари ва, яна, архаик миллийлиги тўғрисида мулоҳаза юритади. Кўринадики, бундан эстетиканинг амалий жиҳати алоҳида аҳамият касб этган.

Санъат ўз табиатига кўра воқеликни бадиий-образли ўзлаштириш маъносида тегишли тушунчалар тизимига эга. Бунда даставвал гўзаллик, улуғворлик, фожиавийлик, кулгилилиқ, хунуклик, тубанлик ва бошқа тушунчалар назарда тутилади.

Фитрат гўзалликни соф рухий жиҳатлардан эмас, балки кишилардаги дўстга ёрдам, содиқлик, софдиллик, ватанпарварлик, адолатгўйлик, камтарлик, халққа хизмат қилиш адолатсизликка, ноҳақликка мурасасиз бўлиш нуқтаи назарларидан олиб қараган.

Фитрат илмлар, уларнинг аҳамиятини тадқиқ этган ва ўзига хос услубда уларни тасниф этган. Тасниф - объектнинг тизимдаги ўрнини аниқлаш мақсадида объект синфлари ўртасидаги қонуний алоқаларни қайд этади. Илмлар таснифида илмлар бир тизим сифатида олиниб, уларнинг ўрни аниқланади. Илмларни таснифлаш қадимги юнон файласуфлари Афлотун ва Арасту томонидан бошлаб берилган. Шарқда илмлар таснифини биринчи бўлиб Ёқуб ибн Исҳоқ ал-Киндий бошлаб берган.

Фитрат илмларни иккита катта гуруҳга: фойдали, нодир илмлар ва фойдаси бўлмаган илмларга бўлган. Фитрат “илмнинг турлари кўп, биз қайси бири билан машғул бўлишимиз жойиз?” деган саволга шундай жавоб берган: “Ҳақиқатда илм турлари кўп, баъзиларидан наф ҳам йўқ. Бироқ мақсадимиз саодати дорайн экан, бу дунё ва охиратда фойда келтирадиган илмларни талаб қилишимиз, бу дунё ва охиратда фойдаси бўлмаган ишларни тарк этишимиз лозим. Зеро “Оллоҳдан фойдали илм талаб қилиб, нафи бўлмаган илмдан омон қолиш учун Оллоҳдан мадад сўранг” – дейилади ҳадисда”.¹

¹ Фитрат. Нажот йўли (Раҳбари нажот) Масъул муҳаррир З. Чориев. Таржимон. Ш.Воҳидов. – Т.: “Шарк”, 2001. 37-бет.

Фитрат фойдали илмларни зикр этмоқчилигини таъкидлаб, бу илмларни икки қисмга бўлади: илми нақлий ва илми ақлий. У нақлий илмларни ҳам ўз навбатида диний ва дунёвий илмларга бўлади. Диний илмларга тафсир илми, ҳадис илми, фикҳ илми ва усули, калом илмини киритади. Дунёвий нақлий илмларга – лисоний илмлар, тарих, жуғрофияни киритади. Тарих илмини икки қисм – 1. Муқаддас тарих. 2. Маданият тарихидан иборат дейди.

“Ақлий илмларнинг инсон фаолияти ва кашфиётларининг натижасидир. Бу илмларнинг умумий, хусусийси бўлмайди, яъни илмлардан бирини насроний илми, бирини мусулмонлар илми деб ҳам бўлмайди. Бу илмлар инсоний илмлар, ҳар бир инсон жинси ва мазҳабидан қатъий назар улардан баҳраманд бўлиши мумкин. Бу илмларнинг умумий ҳайъатини ҳикмат дейдилар”.¹

Фитрат ақлий илмларни уч қисм – 1. Табиий илм. 2. Риёзиёт илми. 3. Фалсафий илмдан иборат дейди. Табиий илмларни ўз навбатида қуйидаги қисмларга бўлади: 1. Табобат илми. 2. Табиий ҳикмат илми. 3. Наботот илми. 4. Ҳайвонот илми. 5. Маъданлар илми. Риёзиёт илмларни ҳам ўз навбатида ҳисоб, жабр ва ҳайъат (астрономия) деган қисмларга бўлади.

Фитратнинг фалсафага оид қарашлари диққатга сазовордир. Фалсафий илмларни Фитрат тўрт қисмга бўлади. Биринчиси руҳ илмидир, дейди у. Бу билан унинг инсонга тана ва руҳдан иборат илоҳий хилқат сифатида қарагани маълум бўлади. Фитрат руҳ илмини асослаш учун шундай фикрни баён этади. Табиий илмлар жумласидан бўлган ташриҳ илми аъзон баданимизнинг тузилиши, таркиби, тартибини бизга ўргатади, манофеъ ул-аъзо илми эса ҳар бир аъзомизнинг вазифа ва хизматларини баён қилади. Бу икки илм бизга одамнинг териси, гўшти, суяк ва томирлари ҳақида баҳс юритади. Агар одам фақат шу тери ва гўштлардан иборат бўлганида эди, мен манофеъ ул-аъзо илми билан қаноатланардим. Ваҳоланки, шубҳасиз одамнинг вужудида тери, гўшт ва суяклардан ташқари яна бошқа нарса ҳам

¹ Фитрат. Нажот йўли 52-бет.

борки, бизнинг тирикчилигимиз ҳам шундан, шу нарса баданимиздан парвоз қилиб чиқиб кетса, жисмимиз сасиб кетган бир лошага айланиб қолади. Бу нарсани Фитрат рухдир деб таъкид этади.

Айтиш лозимки, шўролар даврида фалсафа фани тушунчаларида рух умуман тилга олинмас эди. Истиқлол даврида фалсафа фани дастурларида “Онг ва руҳият”, “Инсон фалсафаси” каби мавзулар киритилди. Лекин ханузгача дарсликлар ва ўқув қўлланмаларида рух, инсон руҳи илми ҳақида етарли маълумот йўқ. Маълум бўладики, Фитрат 1915 йилдаёқ “Раҳбари нажот” асарида рух ҳолатини илми, рух илми тушунчаларини ёритган. Фитрат: “Рух илми – руҳдаги ўзгаришлар, ундаги ҳодисалар мавзуида баҳс қилади”,¹ деб ёзади. Бу илмнинг фойдаси нафсни маърифатга етказди деб, “Ўз нафсини таниган одам, ўзининг илоҳини танийди” ҳадиси келтиради. Баркамол авлодни тарбиялаш учун инсон ўз нафсини тарбиялаши лозим. Фитратнинг бу ғоялари ҳозирги кун учун аҳамиятлидир.

Фалсафий илмларнинг иккинчиси сифатида Фитрат илоҳиёт илмини киритади. “Илоҳиёт илми Вожиб Таолонинг вужуди ва сифатларини ақлан тушунтиради”,² дейди у. Фитрат илоҳиёт илмини фалсафий илмларга киритиши билан унинг таснифи Аристотел, Киндий, Форобий, Ибн Синолар таснифига ўхшаб кетади. Киндий фалсафани: 1. Назарий фалсафа. 2. Амалий фалсафага бўлади. Назарий фалсафага мантиқ, риёзиёт, табиёт ва метафизикани киритади. Метафизика деганда илоҳиёт ҳақидаги фан назарга олинган. Форобий “Ихсо ал-улум” (Илмлар таснифи ва таърифи ҳақида китоб)да фалсафий илмларга: тил, мантиқ, риёзиёт, табиёт, илоҳиёт ҳақидаги илм (метафизика), сиёсат, фикҳ, каломни киритган.

Фитрат фалсафий илмларнинг учинчисини ахлоқ илми, тўртинчисини мантиқ илми деб белгилаган. Бу фанга “мантиқ илми тафаккур тарзини ва муҳокама қилиш қоидаларини ўргатади”, - деб таъриф берган. Фалсафий фанларнинг вужудга келиши ҳақида Фитрат шундай дейди: “Кимки ўз

¹ Фитрат. Нажот йўли. 64-бет.

² Фитрат. Нажот йўли. 64-бет.

руҳиятига таниса, ўз худоини танийди. Лекин одамзот ўз нафсини билишга ҳам қаноат қилмайди, у яна эслайдики, бу руҳни бизга ким ато этган? Бизнинг вазифамиз нима? Шундай қилиб илоҳий ақлий илм ва ахлоқ илми шу саволлар натижасида вужудга келган.” “Баъзида диний, ижтимоий ва шахсий ишларда инсонларнинг зарар кўришига сабаб, тафаккур ва муҳокама йўллари билмасликдир.” Фитратнинг фикрича, бундай зарар кўрмаслик учун киши мантиқ илмини яхши билиши керак.¹

Фитратнинг илмлар таснифи унга дастлаб диний илмлар киритилгани билан Хужжат ул Ислому рутбасини олган Абу Ҳомид Ғаззолийнинг илмлар таснифига ўхшайди.

Фитрат фойдали илмлар таснифини тугатиб, шундай ёзади: “Нодир илмларнинг асосийларини арз қилдик”.² Бу билан у фойдали илмларни нодир илмлар деб таърифлайди. Фитрат ҳозирги илмлар тамоман буларга ўхшамаслиги, маданиятли мамлакатларда таҳсинга сазовор илмлар бисёрлиги ва замон талабига қараб яна кўпайиши, зеро башар тараққиётининг онаси илм ва фан эканлигини ёзади. Бу билан Фитрат ўзи тасниф этган илмлар Шарқ мамлакатлари учун хослигини; иккинчидан, Ғарбда янги фанлар вужудга келганлигини; ва учинчидан, бу тасниф ўз манзил ва даврига мос бўлиб, у нисбийлиги, яъни уни ўзгартириш, тараққий эттириш мумкинлигини иътироф этади. Фитрат одамлар тараққий этар эканлар, илмлар ҳам кўпаяди, - деган фикрни билдиради.

Хулоса қилиб айтганда, Фитратнинг “Раҳбари нажот” асаридаги илмлар таснифи XIX аср охири XX аср бошларида Ўрта Осиёда илм-фан тараққиёти даражасини билишнинг манбалардан биридир. Фитрат инсон камолотига ёрдам берадиган, жамият тараққиёти асоси бўлган илмларни фойдали, нодир илмлар деб, уни эгаллашни тавсия беради. У бу илмлар инсонни икки дунёда ҳам саодатли қилади деб айтади. Фитратнинг илмлар таснифида динийлик ва дунёвийлик масалаларига уйғун муносабати уни мақбулликдан далолат

¹ Фитрат. Нажот йўли. (Раҳбари нажот). Т.: 2001, 8-бет.

² Фитрат. Нажот йўли. 67- бет.

беради. Унда, ҳатто анъанавий, нақлий илмларнинг ўзи ҳам диний ва дунёвий қисмларга бўлинган. Таснифда Фитратнинг умумбашарий тамойилларга асосланиши, бағрикенглиги яққол намоён бўлади. Фитратнинг фалсафага руҳ илмини киритиши ва шу илмга оид маълумотлари ҳозирги давр фалсафасида “Онг ва руҳият”, “Инсон фалсафаси” мавзуларни талаб даражасида ўтиш учун манба бўла олади.

Хуллас, мутафаккир, заковатли инсон Фитрат маънавий меросида илмлар таснифи муносиб ўрин эгаллайди. У бу соҳада Афлотун, Арасту, Киндий, Форобий, Ибн Сино, Ғаззолий, Ибн Халдун анъаналарини давом эттириб, XIX аср охири XX аср бошларида илмларни таснифлаган файласуфдир.

**1. Абдурауф Фитрат асарларида инсонни тарбиялаш масалаларининг
ёритилиши ва унинг бугунги кундаги аҳамияти**

3. Абдурауф Фитрат асарларида баркамол инсонни тарбиялаш масалаларининг ёритилиши ва унинг бугунги кундаги аҳамияти.

Миллат тарбияси ҳамма замонларда ҳам энг долзарб масала бўлиб келган. Жадид мутафаккирлари миллатни тарбиялаш, уни жаҳолатга маҳкум этилган ахволдан огоҳ қилиш, унга озод бўлиш йўлларини кўрсатиш учун бор билиму салоҳиятларини сафарбар этганлар. Уларнинг олий мақсадлари ўз Ватанини обод, халқини жаҳоннинг тараққий этган миллатлари қаторида кўриш бўлган. Бунинг бирдан-бир йўлини улар замонавий илм-фанни эгаллашда, таълим-тарбияда кўрганлар. Абдурауф Фитрат “Раҳбари нажот” асарини худди шу мақсад учун яраган эди.

Асар тез орада Бухоро, Туркистон жадидчилик ҳаракати намояндаларининг дастуруламалига айланади. Муаллифнинг ўз Ватанига, халқига, унинг ўтмишига юксак ҳурмати асарнинг ҳар боби, ҳар саҳифасида сезилиб туради. Фитратнинг қуйидаги сўзларига эътибор беринг: “Бир вақтлар бу мамлакатимиз маданият қуёшининг чиқиш жойи, маърифат дунёсининг манбаи сифатида танилган эди. Форобийлар, Бухорийлар, Абу Али Ибн Синолар, Улуғбеклар мамлакатимизни жаҳон саҳнасига чиқарилган эдилар. Бизнинг мамлакатимиз минглаб машҳур олимларни чор атрофга етказиб бериб, қўшнилари-нинг шарафини ҳам овоза қилиб, дунёга таратган эди. Саноатимиз шу даражада эдики, халифалар шунча азамат ва шавкатларига қарамай, либос, кийим-кечакларини бизнинг мамлакатимиздан олиб кетардилар.”

Асар муқаддимасида муаллиф таъкидлаганидек, ота-боболаримиз илмнинг ҳамма соҳаларида жаҳон халқларига ибрат намуналарини кўрсатганлар, ўнлаб, ҳатто юзлаб китоб тасниф қилган олимларимиз бўлган. Уларнинг меросидан ҳозир ҳам бутун дунё олимлари фойдаланмоқдалар. Нима сабабдан шундай илмий тараққиётнинг чорраҳаларида турган халқимиз кейинги тўрт аср давомида бутун тараққиётни қўлдан бой берди? Фитрат ушбу саволга жавоб берар экан, мактаб-мадрасаларнинг “башарият тараққиётининг онаси — илм ва фан”дан узоқлашиб кетганлигини, улардаги ўқитиш усуллари-нинг яроқсизлиги ва ноқислигини рўй-рост кўрсатиб беради. У ҳақорат ва бўҳ-

тонларга қарамай, жаҳолатга, нодонликка қарши охириги нафасигача кураша-жагини таъкидлайди.

Абдурауф Фитрат таъкидлайди: дунё саодатига эришиш учун илм сари ҳаракат қилмоқ лозим. Бу ўринда Оврупо халқлари йўл-йўриғи биз учун ибрат бўлади. Улар илм-фаннинг энг юқори босқичига кўтарилдилар: поездлар, ҳатто осмонда учадиган тайёралар, дунёнинг бошқа бир чеккасида бўлаётган воқеалар ҳақида бир соатда хабар берувчи симсиз, ёғочсиз телеграф, Бухородай шаҳри азим эҳтиёжини қондира оладиган фабрикалар, заводлар бунёд этганлар. Улар бу тараққиётдан ҳайратга тушмайдилар, аксинча, бу башариятнинг гўдаклик даври, тараққиёт ҳали олдинда деб биладилар. Оврополиклар тараққиёт йўлларини юз йиллар давомида тажриба ва катта малака асосида очганлар. Улар очган йўлга ўхшаш ўзимизга хос ва мос йўлни танлашдан бошқа иложимиз йўқ.

Фитрат “Ражбари нажот” асарида ҳикмат, шижоат, қарам, жасорат, сабот, ҳалимлик, иффат, ҳаё, сидқ, қаноат, вараъ каби умуминсоний фазилатлар ҳақида батафсил тўхталади. Муаллиф бундай гўзал фазилатлар билан бир қаторда инсонни тубанликка, фожиага олиб боровчи балоҳат-қалтафаҳмлик, бахиллик, манман-лик, қайсарлик, ғазаб, вақоҳат (беодоблик), инфоқ, хушомад, ҳирс, ихмол, риё каби инсон ахлоқига зид хусусиятларни анча чуқур таҳлил қилади.

Фитрат ўз асарида оиланинг таълим-тарбияда тутган ўрни, аёлнинг жамиятдаги мавқеи масалаларига кенг тўхталган. У “оналар башариятнинг тарбиячиларидир” дейди. Лекин диний аҳкомларнинг моҳиятини тушуниб етмаган одамлар ҳам борки, улар аёлларга беписанд қапрайдилар. Уларнинг аёлларимизга қилаётган муомалалари ислом таълимотига бутунлай зиддир. Жамият, унинг ҳар бир аъзоси аёл зоти ҳурматини ўз ўрнига қўйиши керак. Бинобарин, Ватан ободлиги, халқ фаровонлигининг бош омили аёлларга бўлган юксак ҳурматдир. Бунинг далили сифатида қуйидаги оятни келтиради: “Агар (хотинларингизга) яхшилик (чиройли муомала) қилсангиз

ва Аллоҳдан қўрқсангиз, албатта Аллоҳ қилаётган ишларингиздан хабардордир”.

Фитрат исломий аҳкомларга асосланган ҳолда никоҳ масаласига кенгроқ тўхталади. Аллоҳ таоло эр ва аёлни навъи мавжудиятни сақлаш учун бир-бирига алоқадор ва бир-биридан лаззат олувчи қилиб яратди. Шаҳвоний қудратнинг исроф бўлмаслиги ва беҳаёликнинг олдини олиш учун “суннати сония” (мақул йўл) – никоҳни жорий қилди. Фитратнинг фикрича, қуйидаги ҳадис бунинг далилидир: “Сизларнинг ёмонроғингиз уйланишга қудрати бўлиб, уйланмай юрганингиздир. Аёлдор кишининг ўқигин икки ракаат намози аёли бўлмаган кишининг етмиш ракаат ўқиган намозидан афзалдир”.

Маънавиятимиз сарчашмаларига асосланган ушбу асар порлоқ истиқболимиз пойдевори яратилаётган бугунги ўта масъулиятли ҳаётимизда катта аҳамиятга эга.

ХУЛОСА

Абдурауф Фитрат адабиётимиз тарихида шоир ва олим, носир ва драматург, ўқитувчи ва маърифатпарвар сифатида муҳим ўрин эгаллайди. У Бухоро, Истамбул мадрасалари ва дорилфунунларида ўқиди. Фитрат араб, форс, турк тилларини мукаммал билганлиги туфайли Шарқнинг буюк алломалари ижодини яхши ўзлаштиради.

Адибнинг отаси савдогарчилик билан шуғулланган бўлиб, 1918 йилгача Қашқарда туриб қолади. У, асосан, онаси Мустафо биби (Бибижон) тарбиясида бўлиб, Навоий, Увайсий, Зебунисо, Бедил, Фузулий каби улкан шоирлар ғазалларини тинглаб вояга етган.

Фитрат 1909 йилда Туркияга ўқишга бориб, 1913 йилгача Истамбул дорилфунунида таҳсил кўрган. Туркияда ташкил бўлган “Бухоро таълими маъорифи” уюшмасида фаоллик кўрсатган. Беҳбудий асос солган жадид усулидаги мактаблар такомилига хизмат этган. Туркия дорилфунунида ўқиётганида унинг зукко, билимдонлиги профессор-ўқитувчиларни ҳайратга солади. Унга Фитрат – Донишманд тахаллусини берадилар.

Фитрат ижоди Туркистонда инқилобий ҳаракатлар кучайган, “Шарқ уйғонган” даврларга тўғри келди. У ҳам ўз салафлари каби аввало маърифатпарварлик ғояларини илгари сурди. Унинг 1913 йилда тожик тилида яратилган “Мунозара” номли асарида ўз халқини зулм ботқоғидан қутқариб, “нажот йўли”ни излаганлиги сезилади. Бу даврда рус тили ва рус маданиятини тарғиб қилиш ҳам Фитрат маърифатпарварлиги йўналишининг муҳим тармоғи бўлган.

Бундай қарашлар унинг ўзи ташкил этган ва муҳаррирлик қилган «Хуррият» рўзномасида кенг тарғиб этилди.

Шоир ижодида, дунёқарашида силжиш, янгиликка, гўзалликка интилиш сезилади. Худди шу ҳол унинг “Абулфайзхон”, “Арс-

лон” ва “Восеъ” (тожик тилида) каби драмалари ғоясида ҳам кузатилади. Унинг “Қиёмат”, “Шайтоннинг тангрига исёни каби насрий асарларида энди ижодкор фалсафасининг чуқурлашганлиги, катта ижтимоий-ҳаётий муаммоларни ҳал этишга интилиши кўзга ташланади.

Фитрат кўпқиррали ва сермахсул ижодкордир. Бу – унинг оз ва соз лирикаси, кўпқиррали драматургияси, жанговор публицистикаси ва катта ҳажмдаги чуқур илмий тадқиқотлари мисолида яққол кузатилади. Унинг ижодий ишлари ва ижтимоий фаолияти халқни жаҳолат, турғунлик, ғафлатдан уйғотиш, илм-маърифатга чорлаш, эркин, озод, бахт-саодатли ҳаётга, биринчи навбатда, миллий мустақилликка чорлашга қаратилган эди. У ўзбекларни ўзлигини танишга, ота-боболари каби улуг кашфиётлар қилишга, бирлашган, кучли, қудратли давлат тузишга ва дунёнинг илғор маданий мамлакатларига етиб олишга чақирди. Бутун ижодининг моҳияти халқнинг қалб кўзини очишга ва меҳнат, яратиш, ўқиш-униш, курашга даъватдан иборатдир.

Фитрат асарлари у ҳаётлик пайтидаёқ юксак баҳо олган, бошқа тилларга таржима қилинган. Уни қайта “танитиш” 80-йилларнинг иккинчи ярмида бошланди. Алломанинг ҳаёти ва адабий фаолияти зиддиятларга ўта бойлиги билан ажралиб туради.

Хуллас, XX аср Шарқ, жумладан, ўзбек халқи ижтимоий ҳаёти, маданияти ва маънавияти тарихида Абдурауф Фитратнинг алоҳида ўрни ва хизматлари бор. Инқилобчи шоир, оташин маърифатчи ва тарихшунос, публицист ва мусиқашунос, драманавис, адабиётшунос, тилшунос, шунингдек, ўзига хос фольклоршунос олимнинг ижтимоий, ижодий, илмий фаолият доираси ана шу тарзда кенг ва серқиррадир.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

I. Расмий ва раҳбарий адабиётлар:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. –Т.: “Ўзбекистон”, 2012.
2. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиқлол ва тараққиёт йўли. –Т.: “Ўзбекистон”, 1992.
3. Каримов И.А. Истиқлол ва маънавият. –Т.: “Ўзбекистон”, 1994.
4. Каримов И.А. Ўзбекистон: миллий истиқлол, иқтисод, сиёсат, мафкура. Т.1. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
5. Каримов И.А. Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир. Т.3. Т.: “Ўзбекистон”, 1996.
6. Каримов И.А. Янгича фикрлаш ва ишлаш давр талаби. –Т.: “Ўзбекистон” 1997.
7. Каримов И.А. Давлат, жамият, оила ва ёшлар тарбияси муаммолари. Т., „Ўзбекистон“, 1997.
8. Каримов И.А. Хавфсизлик ва барқарор тараққиёт йўлида. Т.6. – Т.: “Ўзбекистон”, 1998.
9. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: “Шарқ”, 1998.
10. Каримов И.А. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: “Маънавият”, 2008.
11. Каримов И.А. ЮНЕСКО ижроия кенгаши сессиясининг 155-яқунловчи мажлисида сўзлаган нутқи // Халқ сўзи, 1998 йил 7 ноябрь.
12. Каримов И.А. Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси ва Сенатининг қўшма мажлисидаги маъруза. 2010 йил 12 ноябрь / – Тошкент: Ўзбекистон, 2010.

АСОСИЙ АДАБИЁТЛАР:

(Фитрат қаламига мансуб асарлар)

1. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, I жилд. (Шеърлар, насрий асарлар, драмалар) Т.: Маънавият, 2000 йил;
2. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, II жилд. (Илмий асарлар) Т.: Маънавият, 2000 йил;
3. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, III жилд. (Драмалар, публицистик мақолалар) Т.: Маънавият, 2003 йил;
4. Абдурауф Фитрат. Танланган асарлар, IV жилд. (Дарслик ва ўқув қўлланмалари, илмий мақола ва тадқиқотлар) Т.: Маънавият, 2006 й.
5. Абдурауф Фитрат. Юрт қайғуси. Т.: Ғ. Ғулом номидаги НМИУ, 2008 й.
6. Абдурауф Фитрат. Қиёмат. Т.: 1967 йил.
7. Абдурауф Фитрат. Мухтасар ислом тарихи. Т.: 1992 йил.
8. Абдурауф Фитрат. Амир Олимхоннинг ҳукмронлик даври. Т.: 1992 й.
9. Абдурауф Фитрат. Шарқ сиёсати. Бухоро, 1992 йил.
10. Абдурауф Фитрат. Адабиёт қоидалари. Т , 1995 йил.
11. Абдурауф Фитрат. Бедил. Т.: 1996 йил.
12. Абдурауф Фитрат. Чин севиш. Т.: 1996 йил.
13. Абдурауф Фитрат. Аруз ҳақида. Т.: 1997 йил.
14. Фитрат. Оила ёки оила бошқариш тартиблари. Т.: Маънавият, 1998 йил.
15. Абдурауф Фитрат. Нажот йўли. Т.: 2001 йил.

ҚЎШИМЧА АДАБИЁТЛАР:

1. Фитрат. //Ўзбекистон миллий энциклопедияси. Т. 8.Т.: 2004 йил. 262 – 265 б.
2. Фитрат.// Фалсафа қомусий луғат. Т:Шарқ НМАК, 2004 й. 428.
3. Фитрат. //Мустақиллик изоҳли илмий – оммабоп луғат. Т.: 2000 йил.
4. Алиев А. Абдурауф Абдурахим ўғли Фитрат. Т.: 1984 й.
5. Фидойилар. Т.: 1990 й.
6. Қосимов Б. Маслакдошлар. Бехбудий, Азжий, Фитрат. Т.:1994 й.
7. Ғаниев И. Фитрат, эътиқод, ижод. Т.: Камалак НМБ, 1994 й.
8. Ғаниев И. Фитрат ва Фитратшунослик. Т.: Фан, 1994 й.
9. Ғаниев И. Фитрат драмалари поэтикаси. Т.: 1994 й.
10. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Т.: 1996 й.
11. Болтабоев Ҳ. Фитратнинг илмий мероси. Т.: 1996 й.
12. Қурбонова М. Фитрат - тилшунос. Т.: 1996 й.
13. Эргашева М. Фитрат – буюк ҳуқуқшунос. Т.: 2001й.
- Қосимов Б. Миллий уйғониш. Т.: 2002 й.
14. Ўзбекистоннинг янги тарихи 1 – том. Т.: 2000 йил. 253 – 319 бетлар.
15. Жадидчилик: ислоҳот, янгиланиш, мустақиллик ва тараққиёт учун кураш. Т.: 1999 йил. (128 – 146 бетлар)
16. Маънавият юлдузлари. Т.: 1999 йил. 372 – 377 бетлар.
17. Алиев С. Бухорода битилган байтлар. (Абдурауф Фитрат ҳақида Ғуломқодир Изомий) Т.: 1992 йил, 46 – 49 бетлар.
18. Наимов Н. Бухоро жадидлари. Т.: 2000 йил. (Фитрат) 7 – 10 бетлар.
19. Балдауф Ингеборг. XX аср ўзбек адабиётига чизгилар. Абдурауф Фитрат: Шайтоннинг Тангрига исёни. 58 – 67 бетлар. Т, 2001 йил.
20. Ғаниев И. Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати. Т, 1994 йил.
21. Ғаниев И. Фитрат. Эътиқод. Ижод. Т.: Камалак НМБ, 1994 йил.
22. Баҳодиров Р.М. Илмлар фазилати. - Т.: 1997.
23. Ватан, миллат ягонадир. (Миллий уйғониш даври ижодкорларининг эътирофлари). Т.: 2000 йил. 89 – 91 бетлар.

24. Шарафиддинов О. Абдурауф Фитрат ва унинг Ҳинд сайёҳи. // Ижодни англаш баҳти. Т: Шарқ НМАК, 2004 й. 96 – 131 бетлар.
25. Наимов Н. Фитрат фожиаси. Т.: Фан, 2005 йил, жами - 166 бет.
26. Каримов Н. Жаидчилик ҳаракатининг вужудга келиши ва жаидларнинг маърифатпарварлик ҳаракати. //Тарих ва ўзликни англаш II. Ўзбекистон ва Германия XX асрда. Т.: 2007 йил.72 - 80 б.
27. Азизов Ш., Азизова С. Абдурауф Фитрат эстетикаси. // Маърифат-парварлик – ижтимоий –маданий ҳодиса. Т.: “ABU – MATBUOT KONSALT”, 2008 й.
28. Ҳаққул И. Шайтон нега йиғлаган? // Мерос ва моҳият. Т.: Маънавият, 2008 йил. 152 – 181 бетлар.
29. Саидов У. Фитрат ва Милтон ёхуд ўзгани таниш орқали ўзликни англаш хусусида. // Шарқ ва Ғарб: маданиятлар туташган манзиллар. Т.: Янги аср авлоди, 2008 йил.
30. Наврўзова Г. Каримов Б. Ўрта аср мусулмон Шарқида илмлар таснифи. - Бухоро: 2008.

РЕСПУБЛИКА ЖУРНАЛЛАРИДА ЧОП ЭТИЛГАН МАҚОЛАЛАР

1. Абдурауф Фитрат. “Турк мусикаси”; “Иттифоқ этайлик”; “Мусулмонлар, ғофил қолманг”; “Шўройи исломиянинг хатоси” (Фитратнинг 1917 йилда “Хуррият” газетасида чоп этилган мақолалари). “Ёшлик” 1991 йил № 10, 44 - 45 бетлар.
2. Абдурауф Фитрат. “Туркистонда руслар”. “Шарқ юлдузи”, 1992 йил, № 10, 170 - 180 бетлар.
3. Қосимов Б. “Жадидчилик” “Ёшлик” 1991 йил № 7 - сон, 71–78 б.
4. Қосимов Б. Фитрат. “Шарқ юлдузи”, 1992 йил, № 4, 183 – 184 бетлар.
5. Йўлдошев Н. “Маърифат фидойилари”. “Гулистон” 1991 йил, № 4. 20 - 21 бетлар.
6. Каримов Н. “Жадидчилик нима?” //“Санъат”, 1990 й, № 12, 5–10 б.
7. Болтабоев Ҳ. Абдурауф Фитрат. Т.: “Мулоқот”, 1996 й. № 4, 41 – 52 бетлар.
8. Дўстқораев Б. “Жадидларнинг давлат тузуми тўғрисидаги қарашлари”. “Жамият ва бошқарув” 1998 йил, № 1. 64 – 67 бетлар.
9. Холбоев С. “Жадидчилик ва миллий тарихий таълим”. “Турон тарихи” (тўплам). 2003 йил. № 1. 22- 24 бетлар.
10. Ёвушев Н. “Туркистон тарихи” (“Садои Туркистон”, 1914 йил, № 17 – сонидан олинган) “Турон тарихи” (тўплам), 2003 йил. № 1. 24 - б.
11. Холиқов Э. “Жадидлар ва уларнинг Туркистон халқлари ҳаётида туганган ўрни”. “Турон тарихи”. 2003 йил. № 1. 25 – 28 б.
12. Шодиев Р. “Жадидчилик ғояси”. “Мулоқот”, 2003 й. № 5, 30б.
13. Турсунов Р. “Жадидларнинг Туркистон ижтимоий - иқтисодий ҳолатига қарашлари”. “Ўзбекистон тарихи”, 2004 йил №3. 60 – 69 бетлар.
14. Абдужалилова Ш. “Абдурауф Фитратнинг оила тарбиясига оид қарашлари”. “Халқ таълими”, 2004 йил, №3. 129 - 131 бетлар.
15. Ахатова Д., Ғаниева Ш. “Абдурауф Фитратнинг оилавий муносабатларга доир қарашлари”. “Халқ таълими”, 2004 йил, №5, 62 – 65 б.

16. Алимова Д. “Жадидчилик ва диний бағрикенглик”. “Тафаккур”, 2005 йил, № 4. 18 – 23 бетлар.
17. Қосимов Б. “Абдурауф Фитрат – халқ фарзанди” “Саодат” журнали, 1989 йил 7-сон.
18. Раҳмонова М. Фитратнинг “Раҳбари нажот” асари хусусида. // Имом Бухорий сабоқлари, № 2, 2009 йил, 149 – 153 бетлар.
19. Раҳмонова М. Фитрат Шарқ ва Ғарб маданияти хусусида. // Гулистон, № 4, 2009 йил, 18 – 21 бетлар.
20. Раҳмонова М., Нурматова Н. Бешта нарсанинг кадрили бил - (дейди улуғ маърифатпарвар Фитрат) // Саодат, № 5, 2009 йил. 22 - 23 б.
21. Раҳмонова М. Фитрат қишлоқ тараққиёти хусусида. // ТИУ Илмий – таҳлилий ахборот, № 2, 2009 йил, 40 – 43 бетлар.
22. Раҳмонова М. Фитратнинг “Раҳбари нажот” асари хусусида. // Фалсафа ва ҳуқуқ, Махсус сон, 2009 йил, 18 – 21 бетлар.

ИНТЕРНЕТ МАЪЛУМОТЛАРИ

<http://www.ca-c.org/info.shtml>

http://tsil.uz/e_books/jadidlar/files/htme/1-fasl/htm.

CA&CC HRESS, Sweden 1998 – 2006. 